

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ  
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“МУҲАНДИСЛИК КОММУНИКАЦИЯЛАРИ  
ҚУРИЛИШИ ВА МОНТАЖИ (ИССИҚЛИК-ГАЗ  
ТАЪМИНОТИ ВА ВЕНТИЛЯЦИЯ)”**

**ЙЎНАЛИШИ**

**“ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИ ВА ИССИҚЛИК  
ЖАРАЁНЛАРИ ҲАМДА ГАЗ ТАЪМИНОТИДА  
ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР”**

**модули бўйича**

**Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А**

**Тошкент - 2017**

## **Мухандислик коммуникацияларини қурилиши ва монтажи**

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 24 августдаги 603-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчи:** ТАҚИ, т.ф.н., профессор, Рашидов Ю.К.

**Тақризчи:** Гарред Вольф Фульбрайт фонди доктаранти.

**Ўқув -услубий мажмуа ТАҚИ Кенгашининг 2017 йил 30 августдаги 1 - сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.**

**МУНДАРИЖА**

<b>I. ИШЧИ ДАСТУР .....</b>	<b>4</b>
<b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ .....</b>	<b>12</b>
<b>III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР .....</b>	<b>17</b>
<b>IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....</b>	<b>60</b>
<b>V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....</b>	<b>67</b>
<b>VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....</b>	<b>73</b>
<b>VII. ГЛОССАРИЙ .....</b>	<b>75</b>
<b>VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....</b>	<b>77</b>

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

Ишчи дастур олий ва ўрта махсус таълим муассасалари педагог кадрларнинг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг илғор педагогик тажрибаларни ўрганишлари ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ва кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Ишчи дастур мазмунида хориж таълим тажрибаси, ривожланган давлатларда таълим тизими ва унинг ўзига хос жиҳатлари ёритиб берилган.

Ушбу ишчи дастурда иссиқлик ва газ таъминотида тизимларида энергияни тежаш ва атроф муҳитни ҳимоялашда замонавий технологиялардан унумли фойдаланиш. Иссиқлик кўчиш жараёнлари. Иссиқликни узатиш турлари. Иссиқлик утказувчанлик, конвекция ва нурланиш орқали иссиқлик узатилиши. Биноларни иситишнинг асослари. Конвектив иситиш. Нурли иситиш. Иситиш тизиминг принципиал схемаси ва асосий элементлари: иссиқлик манбаси, иссиқлик ўтказгичлар, иситиш асбоблари. Иссиқлик таъминоти тизимлари. Иссиқлик таъминоти тизимларида энергия сарфланишининг ҳолати. Тошкент шаҳрининг иссиқлик манбалари ва иссиқлик тармоқлари. Иссиқлик энергиясини тежаш йуллари. Биноларнинг иссиқлик ҳимоясининг даражасини ошириш. Иссиқлик тармоқларида иссиқлик йўқолишини камайтириш. Биноларни иссиқлик тармоқларига улаш схемасини такомиллаштириш. Маҳаллий қозонхоналардан унумли фойдаланиш. Замонавий иситиш тизимлари ва уларнинг жиҳозлари. Иссиқ сув таъминоти тизимлари. Иссиқлик таъминотида хорижий техника ва технологиялар. Уларнинг афзалликлари ва камчиликлари. Замонавий газ таъминоти тизимлари. Шаҳар газ таъминоти тизимларининг схемаси. Газ қувурларининг синфларга бўлиниши. Ҳалқасимон ва тармоқланган газ тизимлари схемалари. Газ истеъмолининг меъёрлари. Газнинг йиллик истеъмолининг ҳисоби. Истеъмол режими. Истеъмолнинг йиллик ва суткалик графиклари. Газ истеъмолининг нотекислиги. Газнинг ҳисобий сарфларини аниқлаш. Хорижий техника ва технологиялар. Уларнинг афзаллик ва камчиликларини таҳлил қилиш назарда тутилган.

Ишчи дастурнинг мазмуни тингловчиларни **“Иссиқлик таъминоти ва иссиқлик жараёнлари ҳамда газ таъминотида янги технологиялар” модулининг мақсад ва вазифалари**” модулидаги назарий методологик муаммолар, чет эл тажрибаси ва унинг мазмуни, тузилиши, ўзига хос хусусиятлари, илғор ғоялар ва махсус фанлар доирасидаги билимлар ҳамда долзарб масалаларни ечишнинг замонавий усуллари билан таништиришдан иборат.

### Модулнинг мақсади ва вазифалари

**“Иссиқлик таъминоти ва иссиқлик жараёнлари ҳамда газ таъминотида янги технологиялар”** модулининг мақсад ва вазифалари:

- иссиқлик кўчиш жараёнлари, иссиқлик ва газ билан таъминлаш, уларнинг асосий конструктив ечимлари, тизимлардаги ускуна ва жиҳозларни, технологик

жараёнлари, иссиқлик ва газ таъминотида янги технологиялар ва инновациялар тўғрисида билимларни кенгайтириш;

- иссиқлик ва газ билан таъминлаш, уларнинг асосий конструктив ечимлари, тизимлардаги ускуна ва жихозларни, иссиқлик ва газ таъминотида янги технологиялар ва инновацияларини самарадорлигини баҳолаш бўйича билим ва кўникмаларни шакллантириш;

- иссиқлик ва газ билан таъминлаш тизимларини қуриш, монтаж қилиш ва улардан фойдаланиш усулларини амалиётда татбиқ этиш, иссиқлик ва газ таъминотида янги технологиялар ва инновациялардан фойдаланиш, янги технологиялар ва инновацияларини қўлланилиши бўйича тавсиялар бериш.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

“Иссиқлик таъминоти ва иссиқлик жараёнлари ҳамда газ таъминотида янги технологиялар” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

#### **Тингловчи:**

- иссиқлик таъминоти ва иссиқлик жараёнлари ҳамда газ таъминотида янги технологиялар ва инновацияларни;
- энергия тежамкор иссиқлик-газ таъминоти тизимлардаги оқиб ўтадиган иссиқлик жараёнларининг назорати ва бошқарувини;
- энергия тежамкор иссиқлик-газ таъминоти тизимларининг асосий схемаларини ва улардан фойдаланишнинг замонавий усулларини **билиши** керак.

#### **Тингловчи:**

- иссиқлик таъминоти ва иссиқлик жараёнлари ҳамда газ таъминотида янги технологиялар ва инновацияларини самарадорлигини баҳолаш;
- энергия тежамкор иссиқлик-газ таъминоти ва вентиляция тизимлардаги оқиб ўтадиган иссиқлик жараёнларини тўғри ҳисоблаш кўникмаларига эга бўлиши лозим.

#### **Тингловчи:**

- иссиқлик таъминоти ва иссиқлик жараёнлари ҳамда газ таъминотида янги технологиялар ва инновациялардан фойдаланиш;
- энергия тежамкор иссиқлик-газ таъминоти ва вентиляция тизимлардаги оқиб ўтадиган жараёнларининг назорати ва бошқаруви;
- иссиқлик ва газ таъминоти тизимларини замонавий усулларда лойиҳалаш бўйича малакаларига эга бўлиши зарур.

#### **Тингловчи:**

- иссиқлик таъминоти ва иссиқлик жараёнлари ҳамда газ таъминотида янги технологиялар ва инновацияларини қўлланилиши бўйича тавсиялар бериш;
- энергия тежамкор иссиқлик-газ таъминоти ва вентиляция тизимлардаги

## Мухандислик коммуникацияларини қурилиши ва монтажи

оқиб ўтадиган жараёнларини баҳолаш бўйича;

- иссиқлик ва газ таъминоти тизимлари бўйича тавсиялар бериш компетенцияларига эга бўлиши лозим.

### Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Иссиқлик таъминоти ва иссиқлик жараёнлари ҳамда газ таъминотида янги технологиялар” модулни ўқитиш жараёнида қуйидаги инновацион таълим шакллари ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- замонавий ахборот технологиялари ёрдамида интерфаол маърузаларни ташкил этиш;

- виртуал амалий машғулотлар жараёнида лойиҳа ва Кейс технологияларини қўллаш назарда тутилади.

### Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва ўзвийлиги

“Иссиқлик таъминоти ва иссиқлик жараёнлари ҳамда газ таъминотида янги технологиялар” модули бўйича машғулотлар ўқув режасидаги “Энергия тежамкор вентиляция ва ҳавони кондициялаш тизимлари”, “Муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш” ва бошқа блок фанлари билан ўзвий боғланган ҳолда уларнинг илмий-назарий, амалий асосларини очиқ беришга хизмат қилади.

### Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар архитектура ва қурилиш соҳасидаги инновацияларни ўзлаштириш, жорий этиш ва амалиётда қўллашга доир проектив, креатив ва технологик касбий компетентликка эга бўладилар.

### Модул бўйича соатлар тақсимооти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат					Мустақил таълим
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси			Мустақил таълим	
			Жами	жумладан			
			Назарий	Амалий машғулот	Қўчма машғулот		
1.	Иссиқлик кўчиш жараёнлари. Иссиқликни узатиш турлари. Иссиқлик алмашинув аппаратлари ва уларнинг иссиқлик ҳисоби.	2	2	2			

**Иссиқлик таъминоти ва иссиқлик жараёнлари ҳамда газ таъминотида янги технологиялар**

2.	Иссиқлик таъминотининг замонавий ҳолати ва асосий муаммолари	2	2	2			
3.	Иссиқлик таъминотида янги энергия тежамкор технологиялар	4	2	2			2
4.	Биноларнинг иссиқлик химоясининг даражасини ошириш ва иситишда янги технологиялар	2	2	2			
5.	Замонавий газ таъминоти тизимлари	4	4	2		2	
6.	Иссиқлик утказувчанлик, конвекция ва нурланиш орқали иссиқлик узатилиши ҳамда иссиқлик амалинув аппаратларни ҳисоблаш	4	2		2		2
7.	Биноларнинг иссиқлик химоясининг даражасини оширишда янги технологиялар	2	2		2		
8.	Биноларни иситишда янги технологиялар ва жиҳозлар	4	4		2	2	
9.	Энергия тежамкор иситиш тизимларини ҳисоблаш ва жиҳозларини танлаш	2	2		2		
10.	Замонавий газ таъминоти тизимларини ҳисоблаш	2	2		2		
11.	Замонавий иссиқлик ва газ таъминоти тизимларини лойиҳалаш асослари	2	2		2		
	<b>Жами:</b>	<b>30</b>	<b>26</b>	<b>10</b>	<b>12</b>	<b>4</b>	<b>4</b>

### НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

**1 - мавзу: Иссиқлик кўчиш жараёнлари. Иссиқликни узатиш турлари.**

**Иссиқлик алмашинув аппаратлари ва уларнинг иссиқлик ҳисоби**

Иссиқлик утказувчанлик, конвекция ва нурланиш орқали иссиқлик узатилиши. Фурье, Ньютон-Рихман, Стефан-Больцман қонунлари. Иссиқлик утказувчанлик, иссиқлик бериш ва иссиқлик узатиш коэффициентлари. Иссиқлик алмашилиш ускуналарининг турлари: аралаштирувчи, рекуператив, регенератив булган иссиқлик алмашилиш ускуналари. Оралик иссиқлик ташувчиси булган иссиқлик алмашилиш ускуналари. Иссиқлик қувурлари. Иссиқлик алмашинув аппаратлари ва уларнинг иссиқлик ҳисоби. Иссиқлик

алмашинув аппаратларни ҳисоблаш учун ҳисобий тенгламалар. Иссиқлик баланси тенгламаси. Иссиқлик алмашинув аппаратларидаги температура босимини аниқлаш. Тўғри оқиб ўтиш, қарама-қарши оқиб ўтиш, чораха оқиб ўтиш.

### **2 - мавзу: Иссиқлик таъминотининг замонавий ҳолати ва асосий муаммолари**

Иссиқлик таъминотининг тарихи, ҳалқ хўжалигидаги тутган ўрни ва аҳамияти. Иссиқлик таъминоти тизимларининг асосий турлари, тузулиши ва жиҳозлари. Очиқ ва ёпиқ иссиқлик таъминоти тизимлари, уларнинг афзаликлари ва камчиликлари. Иссиқлик таъминоти тизимларида энергия сарфланишининг ҳолати. Тошкент шаҳрининг иссиқлик манбалари ва иссиқлик тармоқлари. Иссиқлик тармоқларига истеъмолчиларнинг уланиш усуллари. Иссиқлик энергиясини тежаш йўллари.

### **3 - мавзу: Иссиқлик таъминотида янги технологиялар**

Иссиқлик тармоқларида иссиқлик йўқолишини камайтириш. Биноларни иссиқлик тармоқларига улаш схемасини такомиллаштириш. Очиқ иссиқ сув таъминоти тизими ва боғлиқ бўлмаган (ёпиқ) иситиш тизими. Боғлиқ бўлмаган (ёпиқ) иссиқ сув таъминоти ва иситиш тизимлари. Элеваторли улаш схемалари уларнинг афзаликлари ва камчиликлари. Элеваторсиз уланиш тугунлари. Иссиқ сув таъминоти ва иситиш тизимларини иссиқлик тармоғига боғланиш усуллари. Ёпиқ иссиқлик таъминоти тизимлари. Биноларни ёпиқ иссиқлик тармоқларига улаш схемалари. Ҳажимли, тезкор ва пластинкали иссиқлик алмашинув аппаратлари. Иссиқлик таъминотида маҳаллий қозонхоналардан унумли фойдаланиш. Иссиқлик таъминотида хорижий техника ва технологиялар. Уларнинг афзалликлари ва камчиликлари.

### **4 - мавзу: Биноларнинг иссиқлик ҳимоясининг даражасини ошириш ва иситишда янги технологиялар**

Тўсиқ конструкцияларини иссиқлик ҳимоясининг даражалари. Санитария-гигиена талабларига жавоб берувчи тўсиқ конструкцияларининг иссиқлик узатишга келтирилган қаршилигини аниқлаш. Турли ҳил бинолар ва иншоотлар учун биринчи, иккинчи ва учинчи даражали иссиқлик ҳимоясининг иссиқлик узатишга келтирилган қаршилигини аниқлаш. Иссиқлик даврининг градус-сутка тушунчаси ва унинг тўсиқ конструкцияларини иссиқлик ҳимоясининг даражаларини аниқлашдаги аҳамияти. Тўсиқ конструкцияларини термик қаршилигини аниқлаш. Тўсиқ конструкцияларини иссиқликка чидамлилигини аниқлаш. Тўсиқ конструкциясининг иссиқлик инерцияси. Тўсиқ конструкциясининг ички юзаси ҳароратини тебраниш амплитудасини аниқлаш. Ташқи ҳаво ҳарорати тебранишининг ҳисобий амплитудасини аниқлаш. Биноларни иситишда янги технологиялардан фойдаланишнинг умумий принциплари ва усуллари. Янги энергия самарадор қурилиш меъёрлари ва қоидаларнинг талаблари. Асосий энергиятежамкор ечимлар. Энергиятежамкор жиҳозларни қўллаш. Замонавий иситиш асбобларидан фойдаланиш. Иситиш



асбобларни танлаш ва иссиқлик юкламаларини ҳисоблаш. Термостатик ростлаш арматураларидан фойдаланиш. Бефойда иссиқлик йўқолишини олдини олиш. Иситиш тизимининг ишончлилигини ошириш.

### **5 - мавзу: Замоनावий газ таъминоти тизимлари**

Замоनावий газ таъминоти тизимлари. Шахар газ таъминоти тизимларининг схемаси. Газ қувурларининг синфларга бўлиниши. Ҳалқасимон ва тармоқланган газ тизимлари схемалари. Газ истеъмолининг меъёрлари. Газнинг йиллик истеъмолининг ҳисоби. Истеъмол режими. Истеъмолнинг йиллик ва суткалик графиклари. Газ истеъмолининг нотекислиги. Газнинг ҳисобий сарфларини аниқлаш.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ**

### **1-амалий машғулот: Иссиқлик утказувчанлик, конвекция ва нурланиш орқали иссиқлик узатилиши ҳамда иссиқлик амалинув аппаратларни ҳисоблаш**

Иссиқлик утказувчанлик, конвекция ва нурланиш орқали иссиқлик узатилишини ҳисоблаш. Фурье, Ньютон-Рихман, Стефан-Больцман қонунларидан фойдаланиб масалалар ечиш. Иссиқлик утказувчанлик, иссиқлик бериш ва иссиқлик узатиш коэффициентларини ҳисоблаш.

Иссиқлик алмашинув аппаратлари ва уларнинг иссиқлик ҳисоби. Иссиқлик алмашинув аппаратларни ҳисоблаш учун ҳисобий тенгламалар. Иссиқлик баланси тенгламаси. Иссиқлик алмашинув аппаратларидаги температура босимини аниқлаш. Тўғри оқиб ўтиш, қарама-қарши оқиб ўтиш, чораха оқиб ўтиш. Иссиқлик алмашинув аппаратларнинг реал иш шароитларини ҳисобий шароитлардан фарқини ҳисобга олиш. Иссиқлик алмашинув аппаратларнинг ҳисоблаш турлари. Конструктив ва текширув ҳисоблари.

### **2-амалий машғулот: Биноларнинг иссиқлик ҳимоясининг даражасини оширишда янги технологиялар**

Тўсиқ конструкцияларини иссиқлик ҳимоясининг даражаларини қурилиш меъёрлари ва қоидалари бўйича ўрганиш. Санитария-гигиена талабларига жавоб берувчи ҳамда биринчи, иккинчи ва учинчи иссиқлик ҳимоясининг даражаларини турли ҳил тўсиқ конструкциялар учун ҳисоблаш.

Иссиқлик даврининг градус-сутка кўрсаткичини турли ҳил шаҳарлар учун ҳисоблаб аниқлаш.

Тўсиқ конструкцияларини термик қаршилигини аниқлаш бўйича масалалар ечиш.

Тўсиқ конструкцияларини иссиқликка чидамлилигини аниқлаш бўйича масалалар ечиш.

### **3-амалий машғулот: Биноларни иситишда янги технологиялар ва жиҳозлар**

Иситиш тизиминг янги технологиялар асосида жиҳозланган ўқув стенди қурилмасини элементларини ўрганиш. Кенгайтириш бакида тўғри босимни

## Мухандислик коммуникацияларини қурилиши ва монтажи

ўрнатиш ва текшириш. Сақлагич клапани ва насосларнинг кўрсаткичларини ўлчаш. Радиаторларнинг иссиқлик қувватини аниқлаш. Иситиш системасининг ФИКни аниқлаш. Термовентиль кўрсаткичларини аниқлаш. Иситиш системалари гидравликасини баланслаш. Насосларнинг истеъмол қилинувчи қувватини таққослаш.

### **4-амалий машғулот: Энергия тежамкор иситиш тизимларини ҳисоблаш ва жиҳозларини танлаш**

Янги энергия самарадор қурилиш меъёрлари ва қоидаларнинг талабларини амалдаги КМК ва ШНКлар бўйича ўрганиш.

Замонавий иситиш асбобларини каталоглар бўйича танлаш ва уларнинг иссиқлик юкламаларини ҳисоблаш.

Термостатик ростлаш арматураларини каталоглар бўйича танлаш масалаларини ечиш.

Куёш энергиясидан биноларни иситишда фойдаланиладиган конструктив ечимларини мисолларда ўрганиш.

### **5-амалий машғулот: Замонавий газ таъминоти тизимларини ҳисоблаш**

Газ истеъмолининг меъёрий кўрсаткичларини амалдаги ШНКлар бўйича ўрганиш.

Газнинг йиллик ва соатлик сарфларини аниқлаш бўйича мисоллар ечиш.

Паст ва ўрта босим газ қувурларининг гидравлик ҳисобини “Gidro” компьютер дастури ёрдамида бажаришни амалда ўрганиш.

### **6-амалий машғулот: Замонавий иссиқлик ва газ таъминоти тизимларини лойиҳалаш асослари**

Алохида олинган биноларнинг таъминотининг йиллик иссиқлик юкламасини аниқлаш.

Иситишга йиллик иссиқлик юкламасини аниқлаш.

Кичик туманларнинг вентиляциясига ва иссиқ сув билан таъминлашга сарфланадиган иссиқлик микдорини аниқлаш.

Иссиқлик юборишда сув хароратини ростлаш графигининг ҳисоби.

Сувли иссиқлик тармоқларини гидравлик ҳисоби.

### **Тажриба алмашиш (кўчма машғулот)**

Кўчма машғулот Тошкент коммунал қурилиш КХҚда (4 соат) янги технологиялар асосида жиҳозланган ўқув стендларида амалга оширилади. Бунда замонавий газ таъминоти тизимларининг жиҳозлари (2 соат) ва биноларни иситишда янги технологиялар ва жиҳозлар (2 соат) ўрганилади.

### **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларида фойдаланилади:

-маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

-давра суҳбатлари (кўрилатган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш

**Иссиқлик таъминоти ва иссиқлик жараёнлари ҳамда газ таъминотида янги  
технологиялар**

қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);  
-баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

**БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

<b>№</b>	<b>Топшириқ турлари</b>	<b>Баллар тақсимооти</b>	<b>Максимал балл</b>
1.	Мавзулар бўйича кейслар	1,5 балл	2.5
2.	Мустақил иш топшириқлари	1,0 балл	

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

### «ФСМУ» методи

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология тингловчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

**Фикр:** *“Мажбурий конвекцияда иссиқлик кўчиши жараёни табиий конвекцияга қараганда анча жадал оқиб ўтади”.*

**Топшириқ:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

### Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;

- ҳар бир тингловчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

Ф	• фикрингизни баён этинг
С	• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
М	• кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
У	• фикрингизни умумлаштиринг

- тингловчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

### “SWOT-таҳлил” методи

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўллари топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий

**Иссиқлик таъминоти ва иссиқлик жараёнлари ҳамда газ таъминотида янги технологиялар**

фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

<b>S – (strength)</b>	• кучли томонлари
<b>W – (weakness)</b>	• заиф, кучсиз томонлари
<b>O – (opportunity)</b>	• имкониятлари
<b>T – (threat)</b>	• тўсиқлар

*Очиқ ва ёпиқ иссиқлик таъминоти тизимларнинг амалий фойдаланишдаги афзалликлари ва камчиликларини SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.*

<b>S</b>	Очиқ ва ёпиқ иссиқлик таъминоти тизимларнинг амалий фойдаланишдаги кучли томонлари	Очиқ иссиқлик таъминоти тизимлардан ёпиқ иссиқлик таъминоти тизимларига ўтиш учун йўл - бошқа имкониятларни/усулларни тарқатиш ва тестлаш. Эволюцион инновацияларни ўзгаришдан (изменение, mutation) бошлаб, саралашга (отбор) ўтиш керак, ва, ниҳоят, ишлаб чиқаришга (воспроизведение) келтириш даркор.
<b>W</b>	Очиқ ва ёпиқ иссиқлик таъминоти тизимларнинг амалий фойдаланишдаги кучсиз томонлари	Иссиқлик энергиясини тежаш учун шароитларни яратиб бера олмаслиги
<b>O</b>	Очиқ ва ёпиқ иссиқлик таъминоти тизимларнинг амалий фойдаланишдаги имкониятлари (ички)	Янги энергия тежамкор технологиялардан иссиқлик таъминоти тизимларда фойдаланиш
<b>T</b>	Тўсиқлар (ташқи)	Очиқ ва ёпиқ иссиқлик таъминоти тизимлари соҳасида олиб бораётган амалий тадқиқотлар тизимининг камчиликлари

### “Инсерт” методи

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод Тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод Тингловчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

**Методни амалга ошириш тартиби:**

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари

## Мухандислик коммуникацияларини қурилиши ва монтажи

мазмунни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;

➤ янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намоёиш этилади;

➤ таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда Тингловчилар ёки қатнашчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

*“Анъанавий иссиқлик таъминоти тизимларининг асосий белгилари: очиқ тизим, ягона иссиқлик манбаи, иссиқлик энергиясини катта сарфи, элеватор орқали уланиши, пўлат қувурлардан фойдаланиши, атроф муҳитга зарар келтириши.*

*Замонавий иссиқлик таъминоти тизимларининг асосий белгилари: ёпиқ тизим, бир нешта иссиқлик манбаи, иссиқлик энергиясини кам сарфи, иссиқлик алмашинув аппаратлари орқали уланиши, пўлат ва пластмасс қувурлардан фойдаланиши, атроф муҳитга кам зарар келтириши.”*

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт яқунлангач, тингловчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот яқунланади.

### “Тушунчалар таҳлили” методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод тингловчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- тингловчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади ( индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намоёиш этади;
- ҳар бир тингловчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий

муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

**“Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”**

<b>Тушунчалар</b>	<b>Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?</b>	<b>Қўшимча маълумот</b>
<i>Иссиқлик утказувчанлик</i>	<i>Модда зарралари бевосита бир бирига тегиб туриши натижасида энергия ва иссиқлик харакати алмашинуви орқали содир бўладиган иссиқликни кўчиши жараёни</i>	
<i>Конвекция</i>	<i>Суюқлик ва газларда, суюқлик ёки газ зарраларини силжиши ва аралашиниши натижасида содир бўладиган иссиқликни кўчиши жараёни</i>	
<i>Иссиқлик нурланиши</i>	<i>Бир жисмдан иккинчи жисмга молекуляр ва атомларнинг мураккаб тебранишлари натижасида вужудга келадиган электрмагнит тўлқинлар орқали содир бўладиган иссиқликни кўчиши жараёни</i>	
<i>Анъанавий иссиқлик таъминоти тизими</i>	<i>Иссиқлик энергиясини тежаши бўйича имкониятлари чегараланган очиқ иссиқлик таъминоти тизими</i>	
<i>Замонавий иссиқлик таъминоти тизими</i>	<i>Иссиқлик энергиясини тежаши бўйича кенг имкониятларига эга бўлган ёпиқ иссиқлик таъминоти тизими</i>	
<i>Элеватор</i>	<i>Иситиши тизимининг оқимли насоси</i>	
<i>Очиқ иссиқлик таъминоти тизими</i>	<i>Иссиқ сув таъминоти учун тизимдан бевосита сув олинадиган иссиқлик таъминоти тизими</i>	
<i>Ёпиқ иссиқлик таъминоти тизими</i>	<i>Иссиқ сув таъминоти учун тизимдан сув олинмайдиган иссиқлик таъминоти тизими</i>	
<i>Ҳажимли иссиқлик алмашинув аппарати</i>	<i>Иссиқликни харакатда бўлган бир иссиқлик ташувчисидан бошқа маълум ҳажм ичида жойлашган харакатсиз иссиқлик ташувчисига узатиладиган рекуператор</i>	
<i>Тезкор иссиқлик алмашинув аппарати</i>	<i>Иссиқликни харакатда бўлган бир иссиқлик ташувчисидан бошқа харакатда бўлган иссиқлик ташувчисига узатиладиган рекуператор</i>	

## Мухандислик коммуникацияларини қурилиши ва монтажи

<i>Пластинкали иссиқлик алмашинув аппарати</i>	<i>Ажратувчи девори каналли юпқа пластинкалар кўринишига эга бўлган рекуператор</i>	
<i>Рекуператор</i>	<i>Иссиқлик бир иссиқлик ташувчисидан иккинчисига ажратувчи девор орқали узатиладиган иссиқлик алмашинув аппарати</i>	
<i>Регенератор</i>	<i>Иссиқлик бир иссиқлик ташувчисидан иккинчисига учинчи ёрдамчи модда орқали узатиладиган иссиқлик алмашинув аппарати</i>	
<i>Аралаштирувчи иссиқлик алмашинув аппарати</i>	<i>Иссиқлик бир иссиқлик ташувчисидан иккинчисига улар аралашиб кетиши натijasида узатиладиган иссиқлик алмашинув аппарати</i>	
<i>Иссиқлик алмашинув аппарати</i>	<i>Иссиқлик ташувчисини қизитиш, совутиш ёки агрегат ҳолатини ўзгартириш учун мўлжалланган қурилма</i>	

**Изоҳ:** Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади.  
Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.



### III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

#### 1 - мавзу: Иссиқлик кўчиш жараёнлари. Иссиқликни узатиш турлари.

#### Иссиқлик алмашинув аппаратлари ва уларнинг иссиқлик ҳисоби

#### Режа:

**1.1. Иссиқлик ўтказувчанлик, конвекция ва нурланиш орқали иссиқлик узатилиши. Фурье, Ньютон-Рихман, Стефан-Больцман қонунлари.**

**1.2. Аралаштирувчи, рекуператив, регенератив ва оралик иссиқлик ташувчиси бўлган иссиқлик алмашинув ускуналари.**

**1.3. Иссиқлик алмашинув аппаратларини иссиқлик ҳисоби.**


*Таянч иборалар:* иссиқлик ўтказувчанлик, конвекция, иссиқлик нурланиши, иссиқлик узатилиши, иссиқлик алмашинув ускуналари, рекуператор, регенератор, оралик иссиқлик ташувчиси, иссиқлик қувури, температура босимини, тўғри оқиб ўтиши, қарама-қарши оқиб ўтиши, чораха оқиб ўтиши.

**Ушбу модулнинг мақсади** – тингловчиларнинг иссиқлик таъминоти ва иссиқлик жараёнлари ҳамда газ таъминотида янги технологиялар тўғрисида билимларни кенгайтириш ва улар олиб бораётган амалий ишлари учун зарур бўлган кўникмаларни шакллантириш (6 пара). Таълим олувчининг олдида тақлиф этилган билимларни ўзининг мустақил иши билан кенгайтириш мақсади қўйилади (2 пара). Баҳонинг 50 % и таълим олувчининг фикрлай олиши, уни ўқиб баён этиб бера олиш қобилияти учун берилса, 50 % баҳо ўқиш охирида тақдим этилган мустақил иш учун берилади.

**1.1. Иссиқлик ўтказувчанлик, конвекция ва нурланиш орқали иссиқлик узатилиши. Фурье, Ньютон-Рихман, Стефан-Больцман қонунлари.**

Иссиқлик алмашинуви жараёни мураккаб жараён бўлиб, уни қуйидаги учта соддароқ жараёнларга ажратиш мумкин (1.1-расм)<sup>1</sup>:


- иссиқлик ўтказувчанлик;
- конвекция;
- иссиқлик нурланиши.



**1.1-расм.** Иссиқлик кўчиш жараёнлари: иссиқлик ўтказувчанлик, конвекция, иссиқлик нурланиши

<sup>1</sup> Theodore L. Bergman, Adrienne S. Lavine, Frank P. Incropera, David P. Dewitt. Fundamentals of Heat and Mass Transfer. .Sevntn edition. Copyright © 2011 by John Wiley & Sons, Inc.

**Иссиқлик ўтказувчанлик** жараёни мода зарралари (молекулалар, атомлар ва эркин электронлар)ни бевосита бир-бирига тегиб туриши натижасида энергия алмашинуви ва уларни иссиқлик ҳаракати орқали содир бўлади (1.2-расм)<sup>2</sup>



1.2-расм. Иссиқлик ўтказувчанликни молекулалар диффузияси ва иссиқлик ҳаракати энергияси билан боғлиқлиги

Бундай иссиқлик алмашинуви жараёни барча жисмларда кузатилади, аммо унинг механизми жисмнинг агрегат ҳолатига боғлиқдир. Суюқ ва айниқса газсимон жисмларда иссиқлик ўтказувчанлик кам миқдорда кузатилади.

Қаттиқ жисмлар турли хил иссиқлик ўтказувчанликка эгадир. Кичик иссиқлик ўтказувчанликка эга бўлган қаттиқ жисмлар теплоизоляция, яъни иссиқлик сақловчи дейилади.


**Конвекция жараёни** фақатгина суюқликлар ва газларда кузатилади. Бунда иссиқлик кўчиши одатда сирт ва суюқлик ёки газ орасида зарраларини аралашishi ва силжиши натижасида содир бўлади. Конвекция жараёнига суюқликнинг чегаравий қатламининг ривожланиши катта таъсир кўрсатади (1.3-расм)<sup>3</sup>.

Агар суюқлик ёки газ насос, вентилятор, эжектор, элеватор ва бошқа қурилмалар ёрдамида ҳаракатга келтирилса, бундай кўчиш **мажбурий конвекция** дейилади (1.4, а-расм).

Агар суюқлик ёки газнинг зарралар кўчиши уларнинг зичликлари фарқларига боғлиқ бўлса, бундай кўчиш **табiiй конвекция** дейилади (1.4, б-расм).

<sup>2</sup> Theodore L. Bergman, Adrienne S. Lavine, Frank P. Incropera, David P. Dewitt. Fundamentals of Heat and Mass Transfer. .Seventh edition. Copyright © 2011 by John Wiley & Sons, Inc.


<sup>3</sup> Theodore L. Bergman, Adrienne S. Lavine, Frank P. Incropera, David P. Dewitt. Fundamentals of Heat and Mass Transfer. .Seventh edition. Copyright © 2011 by John Wiley & Sons, Inc.



1.3-расм. Конвекцияда суюқликнинг чегаравий қатламини ривожланиши.

**Табиий конвекцияда** иссиқлик ташувчининг қиздирилган ҳажмлари юқорига кўтарилади, совуганлари эса пастга тушади.

Мажбурий конвекцияда иссиқлик алмашинуви табиий конвекцияга қараганда анча жадалроқ содир бўлади.




1.4-расм. Конвекция орқали иссиқликни кўчиш жараёнлари: (а) Мажбурий конвекция. (б) Табиий конвекция. (с) Қайнаш. (д) Конденсация.

## Мухандислик коммуникацияларини қурилиши ва монтажи

Конвекция орқали иссиқликни кўчиш жараёнларига қайнаш (1.4, *c*-расм) ва конденсация (1.4, *d*-расм) жараёнлари киради.

**Иссиқлик нурланиши** жараёни иссиқликни бир жисмдан иккинчисига молекулалар ва атомларнинг мураккаб электромагнит тўлқинлар орқали кўчишидир. Нурли энергия жисмларда бошқа энергия турлари ҳисобига пайдо бўлади, асосан иссиқлик энергия ҳисобига. Электромагнит тўлқинлар жисм сиртидан барча томонларга тарқалади (1.5-расм)<sup>4</sup>. Ўз йўлида бошқа жисмларга дуч келиб, у қисман улардан ўтиши мумкин. Юритилган нурли энергия яна иссиқликка айланади ва жисмларнинг ҳароратини кўтареди.



1.5-расм. Нурланишли алмашинув: (а) сиртдан, (б) сирт ва катта атроф муҳит орасида

### Фурье қонуни

Фурье қонунига кўра жисм орқали иссиқлик ўтказувчанлик ҳисобига ўтадиган иссиқлик оқимининг зичлиги  $q''_x$  температура градиенти  $\frac{dT}{dx}$  га тўғри пропорционалдир:

$$q''_x = -k \frac{dT}{dx} \quad (1.1)$$

Бир ўлчамли девор учун (1.6-расм) температура градиенти

$$\frac{dT}{dx} = \frac{T_2 - T_1}{L}$$


температура градиентини (1.1) тенгламага қўйиб, топамиз

$$q''_x = -k \frac{T_2 - T_1}{L}$$

ёки

$$q''_x = k \frac{T_1 - T_2}{L} = k \frac{\Delta T}{L} \quad (1.2)$$

<sup>4</sup> Theodore L. Bergman, Adrienne S. Lavine, Frank P. Incropera, David P. Dewitt. Fundamentals of Heat and Mass Transfer. Seventh edition. Copyright © 2011 by John Wiley & Sons, Inc.



1.6-расм. Бир ўлчамли девордаги иссиқлик ўтказувчанлик (энергия тарқалиши)

### Ньютон-Рихман қонуни

Конвекция турининг табиатидан қатъий назар (табиий ёки мажбурий), у орқали узатиладиган иссиқлик оқимининг зичлиги Ньютон-Рихман қонунига биноан аниқланади

$$q'' = h(T_s - T_\infty) \quad (1.3a)$$

бу ерда  $q''$  - иссиқлик оқимининг зичлиги, Вт/м<sup>2</sup>;  $T_s$ - сирт температураси, К;  $T_\infty$  - суюқлик температураси, К;  $h$ - иссиқлик бериш коэффициентини, Вт/(м<sup>2</sup>·К).

1.1-жадвал

Иссиқлик бериш коэффициентининг ўзгариш чегаралари

Жараён	$h$ (Вт/м <sup>2</sup> ·К)
Табиий конвекция	
Газлар	2–25
Суюқликлар	50–1000
Мажбурий конвекция	
Газлар	25–250
Суюқликлар	100–20 000
Фазалар ўзгаришидаги конвекция	
Қайнаш ва конденсация	2500–100 000

Агар суюқлик температураси  $T_\infty$  сирт температураси  $T_s$  дан юқори бўлса ( $T_\infty > T_s$ ), унда (1.3a) тенглама куйидаги кўришга эга бўлади

$$q'' = h(T_\infty - T_s) \quad (1.3b)$$

### Стефан-Больцман қонуни

Жисмларнинг иссиқлик нарланиши уларнинг температураси абсолют нолдан юқори бўлганда кузатилади. Иссиқлик нурланиши қаттиқ сиртлардан,

суюқликлар ва газлардан тарқалиши мумкин. Нурланиш энергияси электромагнит тўлқинлар (ёки фотонлар) орқали тарқалади. Агар, иссиқлик ўтказувчанлик ва конвекцияда иссиқликни кўчиши учун материал муҳит мавжудлиги шарт бўлса, иссиқлик нарланишда эса аксинча, материал муҳит бўлиши шарт эмас. Бунда нурланиш орқали иссиқлик кўчиши вакуумда айниқса самарали бўлади.

Абсолют қора жисмнинг бирлик сиртидан нурланадиган интеграл оқим (1.5,a- расм) интеграл оқимининг сирт бўйича зичлиги ( $W/m^2$ ) деб номланади ва Стефан-Больцман қонунига аниқланади:

$$E_b = \sigma T_s^4 \quad (1.4)$$

бу ерда  $\sigma = 5,67 \cdot 10^{-8} \text{ Вт}/(\text{м}^2 \cdot \text{К}^4)$ - Стефан-Больцман доимийси;  $T_s$ - сиртнинг абсолют температураси,  $K$ .

Реал жисмнинг бирлик сиртидан нурланадиган интеграл оқим айнан шу температурадаги абсолют қора жисмнинг нурланишидан кам бўлади:

$$E = \varepsilon \sigma T_s^4 \quad (1.5)$$

бу ерда  $\varepsilon$ - қоралик даражаси дейилади,  $0 < \varepsilon < 1$ .

Атроф муҳит шаффоф бўлмаса, унинг таъсири нур қайтариш билан белгиланади (1.5,b- расм):

$$G_{\text{abs}} = \alpha G \quad (1.6)$$

бу ерда  $\alpha$ - нур қайтариш коэффиценти,  $0 < \alpha < 1$ .

Жисмлар орасидаги нурли иссиқлик алмашинуви (1.5,b- расм) куйидаги тенглама орқали аниқланади:

$$q''_{\text{rad}} = \frac{q}{A} = \varepsilon E_b(T_s) - \alpha G = \varepsilon \sigma (T_s^4 - T_{\text{sur}}^4) \quad (1.7)$$

### 1.2. Аралаштирувчи, рекуператив, регенератив ва оралик иссиқлик ташувчиси бўлган иссиқлик алмашиниш ускуналари.

Иссиқлик ташувчини қиздириш ёки совитиш учун мўлжалланган қурилма иссиқлик алмашинув аппарати (ИАА) дейилади. Иссиқлик ташувчи сифатида суюқлик ёки газ ишлатилади. Иссиқлик ташувчилар иситувчи ва иситиладиган ташувчиларга бўлинади. Масалан, қозон ичида қизиган газ иситувчи иссиқлик ташувчи, қозондаги сув эса иситиладиган иссиқлик ташувчи ҳисобланади. Иситиш радиаторидаги сув иситувчи иссиқлик ташуви, хонага иссиқликни таркатадиган ҳаво эса, иситиладиган иссиқлик ташувчи ҳисобланади.

ИАА ларига буғ қозонлари, конденсаторлар, буғ қиздиргичлар, ҳаво иситкичлар, марказий иситиш асбоблари, радиаторлар ва шу кабилар мисол бўла олади.


ИАА лари ўзининг шакли ва ўлчамлари билан ҳамда ишлатилаётган ишчи жисми билан бир – биридан катта фарқ қилади. ИАА лари хилма хил бўлсада, иссиқлик ҳисобининг асосий қоидалари улар учун умумий бўлиб қолади. ИАА лари техникада нихоятда кенг тарқалган, ҳозирги вақтда уларнинг аниқ бир

таснифи йўқ. Қуйида келтирилган тасниф энг кўп қўлланилаётган ИАА ларига таалуқлидир. ИАА ларини қуйидаги белгиларига қараб таснифлаш мумкин.

### Иссиқлик алмашинув усулига қараб:

**Аралаштирувчи.** Бундай ИАА ларида иссиқ ва совуқ иссиқлик ташувчи бир – бирига бевосита тегади ва кейин аралашиб кетадилар. Масалан, қозон агрегатидан чиқадиган юқори температурали буғ ё сув совуқ ёки илиқ сув билан аралаштирилади, сўнгра исте'молчиларга узатилади. Бундай ИАА ларига градирнялар, деаэраторлар, скрубберлар ва бошқа курилмалар киради.

Градирняда (1.7-расм) минорадан ёмғирдек тушаётган сув ҳаво билан аралашади ва натижада сув совийди, ҳаво эса исиб юқорига кўтарилади.




1.7.- расм. Аралаштирувчи

1- сувни келтирилиши; 2-сувни олиб кетилиши; 3- тақсимлаш тарнови; 4- суғориш курилмаси; 5- бассейн.

Рекуператив ИАА. Бундай ИАА ларида иссиқлик ажратувчи девор (одатда металл) орқали узатилади. Бундай аппаратларга буғ генераторлари, буғ қиздиргичлари сув иситкичлари, ҳаво иситкичлари ва турли хил буғлатгич аппаратлари киради.

Ҳозирги пайтда рекуператив аппаратлар энг кўп тарқалган. Улар тузилиши жуда содда, ихчам ва иссиқлик ташувчиларнинг температурасини ҳар доим ўзгармаслигини та'минлайди.


Рекуператив аппаратлар асосан металдан ишланган. Температураси 400-450<sup>0</sup>С бўладиган иссиқлик ташувчилар учун эса қувурлар углеродли пўлатдан, температураси 500-700<sup>0</sup>С бўладиган иссиқлик ташувчилар учун эса легирланган пўлатдан тайёрланади.



1.8- расм. Рекуператив ИАА

1- ички қувур; 2- ташқи қувур; 3- улаш патрубкиси; 4- эгилган жой; 5-6 - биринчи иссиқлик ташувчининг кириши ва чиқиши; 7- 8 иккинчи иссиқлик ташувчини кириши ва чиқиши

**Регенератив ИАА.** Бундай ИАА ларида иситиш (ёки совутиш) сиртининг узи вақт – вақти билан гоҳ иссиқ, гоҳ совуқ иссиқлик ташувчи билан ювилиб турилади.



1.9 – расм. Регенератив ИАА

1- ротор вали; 2- пастки ва юкоридаги подшипниклар; 3- электроДвигател; 4- тикилган нарса; 5- ташқи қўзғалмас ғилоф; 6-7- зичлагичлар; 8- ҳавонинг чиқиб кетиши; 9 - газ патрубккалари.


Дастлаб регенератор панелларидан қизиган иссиқлик ташувчи – домно ва мартен печлари, вагранкалар ва бошқалардаги ёниш маҳсулотлари юборилади.

Регенераторнинг иситиш сирти қизиган газлардан иссиқлик олиб исийди, сўнгра бу иссиқликни совуқ иссиқлик ташувчига беради. Бундай ИАА ларига



замонавий қозон агрегатларининг ҳаво иситкичлари мисол бўла олади (1.9-расм).

**Оралик иссиқлик ташувчиси бўлган иссиқлик алмашишиш ускуналари.** Бундай ИАА ларида иссиқлик иситувчи муҳитдан иситилаётган муҳитга оралик иссиқлик ташувчиси (суюқлик ёки буғлар) нинг оқими орқали узатилади. Баъзи ҳолларда иссиқлик ташувчиси иш жараёнида ўз агрегат ҳолатини ўзгартиради. Бундай ИАА иссиқлик қувури дейилади (1.10-расм).



1.10-расм. Иссиқлик қувури


Иссиқлик қувурлари катта иссиқлик оқимларини узатишга мўлжалланган (масалан бир хил ўлчамларга эга бўлган мис қувурига қараганда улар 1000 мартда кўп иссиқлик оқимини узата оладилар). Бунинг учун иссиқлик қувури ичида вакуум ҳосил қилинади ва у қисман оралик иссиқлик ташувчиси билан тўлдирилади. Шу сабабли қувурнинг иссиқ учига оралик иссиқлик ташувчиси  $q$  иссиқлик оқимини қабул қилиш натижасида қайнайди ва буғ ҳосил бўдади. Ушбу буғлар қувурнинг совуқ учига кўтарилиб,  $q$  иссиқлик оқимини бериш ҳисобига конденсатланади ва конденсат қувурнинг иссиқ учига ўз оғирлиги натижасида оқиб тушади. Агарда қувурнинг совуқ учини иссиқ учидан юқориқроқ жойлаштириш имкони бўлмаса ёки оғирлик кучи бўлмаган шароитда (масалан космосда) ишлатиш керак бўлса, унда суюқликни капилляр кучлари ҳисобига шимволиб юқорига узатадиган махсус фитиллардан фойдаланилади (спиртовка ёки шам қаби).

#### Технологик вазифасига қараб:

Ҳаво иситкичлар (1.9- расм); деаэраторлар; буғ қиздиргичлар; буғ генераторлари ва ш.к.

#### Иссиқлик ташувчилар ҳаракат йуналишига қараб.

Тўғри оқимли (1.11-расм, а); қарши оқимли (1.11- расм , б); кўндаланг оқимли (1.11- расм, в); аралаш оқимли (1.11- расм, г) кўплаб кўндаланг оқимли (1.11-расм, д).



1.11.- расм. ИАА ларида иссиқлик ташувчиларнинг ҳаракатланиш схемаси.

### Иссиқлик ташувчилар турига қараб:

Сув – сувли (1.8- расм); буғ – сувли; сув – ҳаволи; газ – ҳаволи ; ёғ - ҳаволи.

### Материалнинг турига қараб:

Пўлатли ИАА лари; чўянли ИАА лари, булар коррозияга чидамли ва нисбатан арзон, лекин мустаҳкамлиги пўлатдан паст; графитли ИАА лари – булар кимёвий агрессив муҳитда ишлатилади; шишали, сополли, кўрғошинли, пластмассали ИАА лари ҳам кимёвий муҳитларда қўлланилади.

### Иссиқлик алмашинув сиртига қараб:

Силлиқ (текис) қувурли, бундай ИАА лари энг кўп тарқалган. Ўз навбатида текис қувурлар тўғри , У – симон, спиралсимон, бурамасимон ва бошқа шаклларда бўлиши мумкин.

Қовурғали ИАА лари, пластинкасимон ИАА лари – булар иситиш юзасининг иккала томонида иссиқлик бериш коэффитсиенти бир хил бўлганда қўлланилади.

### Иссиқлик ташувчиларнинг юриш сонига қараб:

Бир йўлли ва кўп йўлли ИАА лари.

### Иситиш сиртларини жойлашишига қараб:

Қувур ичида қувур (1.8-расм), ғилоф қувурли.

### Ишлаш даврийлигига қараб:

Мунтазам ишлайдиган ва вақти вақти билан ишлайдиган ИАА лари.

Асосий технологик жараёнларни амалга ошириш қулайлиги туфайли мунтазам ишлайдиган ИАА лари кенг қўлланилади.

### 1.3. Иссиқлик алмашинув аппаратларини иссиқлик ҳисоби.

ИАА ларини ҳисоблашдан асосий мақсад иссиқлик алмашинув юзасини, иссиқлик ташувчиларнинг параметрларини, иссиқлик ташувчиларнинг энг мувофиқ сарфини ва уларнинг тезлигини, ҳамда аппаратнинг энг мувофиқ ўлчамларини аниқлашдан иборатдир. ИАА ларини ҳисоблашда иссиқлик баланси тенгламаси ва иссиқлик узатиш тенгламаси асосий ҳисобланади. Иссиқлик узатиш тенгламаси:

$$Q = kF(t_1 - t_2) \quad (1)$$

Бунда  $Q$  – иссиқлик оқими, Вт;  $k$ - иссиқлик узатиш коэффитценти, Вт/(м<sup>2</sup>·К);  $F$  – иссиқлик алмашинув юзаси м<sup>2</sup>;  $t_1$  ва  $t_2$  – мос равишда иссиқ ва совуқ иссиқлик ташувчилар температураси

Иссиқлик баланси тенгламаси

$$Q = m_1 \Delta t_1 = m_2 \Delta t_2$$

ёки

$$Q = V_1 \rho_1 c_{p1} (t_1' - t_1'') = V_2 \rho_2 c_{p2} ((t_2' - t_2'')), \quad (2)$$

бу йерда  $V_1 \rho_1$  ва  $V_2 \rho_2$  - иссиқлик ташувчиларнинг массавий сарфи кг /с;  $C_{p1}$  ва  $C_{p2}$  - суюқликнинг  $t'$  дан  $t''$  гача температура оралиғидаги ўртача иссиқлик сиғими;  $t_1'$  ва  $t_2'$  - суюқликнинг аппаратга киришдаги температураси:  $t_1''$  ва  $t_2''$  - суюқликнинг аппаратдан чиқишдаги температураси.  $V \rho c_p = W$  катталики сув эквиваленти деб айтилади.

Охирги тенгламани э'тиборга олиб (2) тенгламани қуйидагича ёзиш мумкин.

$$(t_1' - t_1'') / (t_2' - t_2'') = W_2 / W_1 \quad (3)$$


бунда  $W_1$  ва  $W_2$  иссиқ ва совуқ суюқликларнинг сув эквивалентлари.

Демак, ИААда иссиқ ва совуқ иссиқлик ташувчилар температураларининг ўзгариши сув эквивалентларига тескари пропорционал бўлар экан.



$$dt_1 / dt_2 = W_2 / W_1$$

Иссиқлик узатиш тенгламасини (1) келтириб чиқаришда иссиқлик ташувчиларнинг температураси аппаратда ўзгармайди деб ҳисобланган.

Ҳақиқатда эса иссиқлик ташувчиларнинг аппаратдан ўтиш вақтида температуралари ўзгаради, бундан ташқари температура ўзгаришига суюқликнинг ҳаракатланиш схемаси ва сув эквивалентлари катта та'сир қилади.



**5-расм.** Иссиқлик ташувчиларнинг тўғри оқимли ҳаракатда температураларининг ўзгариши.



**6-расм.** Иссиқлик ташувчиларнинг тескари оқимли ҳаракатда температураларининг ўзгариши.

(5-расм)дан кўришиб турибдики, тўғри оқимда совуқ иссиқлик ташувчининг охирги температураси хар доим қайноқ иссиқлик ташувчининг температурасидан паст бўлади. Қарши оқимда (6-расм) совуқ иссиқлик ташувчининг температураси қайноқ иссиқлик ташувчининг температурасидан анча катта бўлиши мумкин. Демак, қарши оқимли аппаратларда совуқ иссиқлик

## Мухандислик коммуникацияларини қурилиши ва монтажи

ташувчининг температурасини, тўғри оқимли аппаратдагига қараганда юқорироқ кўтариш мумкин экан.

Бундан ташқари, расмлардан кўриниб турибдики, температура ўзгаришлари билан бир қаторда суюқликлар температуралари фарқи  $dt$  ҳам ўзгаради.

$dt$  ва  $k$  катталикларни фақат элементар юзи чегарасида ўзгармас деб ҳисоблаш мумкин. Шунинг учун элементар  $dF$  юза учун иссиқлик узатиш тенгламаси фақат дифференциал шаклда тўғри бўлади:

$$dQ = k dF dt \quad (4)$$

Бутун  $F$  юза бўйлаб узатилган иссиқлик оқими (4) тенгламани интеграллашдан аниқланади:

$$Q = \int_0^F k dF \Delta t = k F \Delta t_{o'rt} \quad (5)$$

Бунда  $\Delta t_{o'rt}$  - бутун иситиш юзаси бўйлаб температуранинг ўртача логарифмик босими. Агар иссиқлик узатиш коэффициенти иссиқлик алмашинув юзаси бўйлаб анча ўзгарса, у ҳолда унинг ўртача қиймати олинади:

$$k_{o'rt} = \frac{F_1 k_1 + F_2 k_2 + \dots + F_n k_n}{F_1 + F_2 + \dots + F_n}$$

У ҳолда  $k_{o'rt} = \text{const}$  бўлганда (5) тенглама қуйидаги кўринишга келади:

$$Q = k_{o'rt} \int_0^F \Delta t dF \quad \text{ёки} \quad Q = k_{o'rt} \Delta t_{o'rt} F$$

### Ўртача температура босимини ҳисоблаш

Агар иссиқлик ташувчилар температуралари тўғри чизик бўйича ўзгарса у ҳолда ўртача температура босими температураларнинг ўрта арифметик қийматларининг айирмасига тенг бўлади:

$$\Delta t_{o'rt} = (t_1^I + t_1^{II}) / 2 - (t_2^I + t_2^{II}) / 2 \quad (6)$$

Бироқ ишчи суюқликлар температураси ўзгариши тўғри чизикли бўлмайди. Шунинг учун (6) тенгламани температуралар унча катта ўзгармаган ҳолларда қўллаш мумкин.

$\Delta t_{o'rt}$  катталиқни тўғри оқим учун, чизикли бўлмаган ўзгариши учун аниқлаймиз.

Ихтиёрий олинган  $A$  кесимда қайноқ иссиқлик ташувчининг температураси  $t^I$ , совуқ иссиқлик ташувчининг температураси  $t^{II}$  бўлсин. Уларнинг фарқи қуйидагича бўлади:

$$t^I - t^{II} = t \quad (7)$$

$dF$  элементар юзадан узатилаётган иссиқлик миқдорини қуйидаги тенгламадан аниқлаймиз:

$$dQ = k dF t \quad (8)$$

$dQ$  иссиқлик узатилганда қайноқ иссиқлик ташувчининг температураси  $dt^I$  га пасаяди, совуқ иссиқлик ташувчининг температураси еса  $dt^{II}$  га кўпаяди, у ҳолда:

$$dQ = -m_1 c_{p1} dt' = m_2 c_{p2} dt''$$

ёки

$$dt' = -\frac{dQ}{m_1 c_{p1}} \text{ ва } dt'' = \frac{dQ}{m_2 c_{p2}}$$

(7) тенгламани дифференциаллаб унга  $dt'$  ва  $dt''$  ларни қийматини қўямиз ва қуйидагини ҳосил қиламиз:

$$d\tau = -\frac{dQ}{m_1 c_{p1}} - \frac{dQ}{m_2 c_{p2}}$$

ёки

$$dQ = \frac{d\tau}{\frac{1}{m_1 c_{p1}} + \frac{1}{m_2 c_{p2}}}$$

$$\left( \frac{1}{m_1 c_{p1}} + \frac{1}{m_2 c_{p2}} \right) = n \text{ деб белгилаймиз, у ҳолда}$$

$$dQ = -dt/n \tag{9}$$

$dQ$  нинг ифодасини (8) тенгламага қўямиз:

$$- dt/n = k dF t$$

ёки

$$- dt/t = k dF n \tag{10}$$

Агар  $n$  ва  $k$  катталиклар ўзгармас бўлса, у ҳолда (10) тенгламани  $(t_1' - t_2') = \tau_1$  дан  $(t_1'' - t_2'') = \tau_2$  гача ва 0 дан  $F$  гача интеграллаб қуйидагини топамиз.

$$-\int_{\tau_1}^{\tau_2} d\tau / \tau = nk \int_0^F dF$$

ёки

$$\ln t_1/t_2 = nkF$$

бундан

$$n = (\ln t_1/t_2)/kF \tag{11}$$

(9) тенгламани интеграллаймиз:

$$Q = (t_1 - t_2)/n \tag{12}$$

ва унга (11) тенгламадан  $n$  нинг қийматини қўямиз.

$$Q = (t_1 - t_2) / (\ln t_1/t_2) \tag{13}$$

(13) тенгламадаги  $dt_{урт}$  катталиқни температуранинг ўртача логарифмик босими деб айтилади.

Тўғри оқимли ИАА лар учун

$$dt_{урт} = (t_1' - t_2') - (t_1'' - t_2'') / \ln [(t_1' - t_2') - (t_1'' - t_2'')] \tag{14}$$

Худди шундай йўл билан қарши оқимли ИАА лари учун  $dt_{урт}$  аниқланади.

$$dt_{урт} = (t_1' - t_2'') - (t_1'' - t_2') / \ln [(t_1' - t_2'') - (t_1'' - t_2')] \tag{15}$$

Қарши оқимли ИАА ларининг  $dt_{урт}$  қиймати тўғри оқимли ИАА ларининг  $dt_{урт}$  қийматидан ҳар доим катта бўлади. Шунинг учун қарши оқимли ИАА лари ўлчами кичик бўлади. ИАА ларнинг тежамлилиги унинг фойдали иш коэффитсенти (Ф.И.К.) орқали аниқланади. Ф.И.К. совуқ иссиқлик ташувчини

## Мухандислик коммуникацияларини қурилиши ва монтажи

иситиш учун сарфланган қайноқ иссиқлик ташувчининг иссиқлик улушини кўрсатади.

ИАА ларининг иссиқлик баланси одатда қуйидаги кўринишда ифодаланади:

$$Q_1 + Q_2 + Q_3 = Q_{\text{хис}} \text{ ёки } q_1 + q_2 + q_3 = 100\%$$

Бу ерда  $Q_{\text{хис}}$ –қайноқ иссиқлик ташувчи атроф муҳит температурасигача совутилганда у бериши мумкин бўлган иссиқлик микдори;  $Q_1$  – совуқ суоқликни иситиш учун сарфланган иссиқлик микдори;  $Q_2$  –ИАА дан чиқаётган қайноқ суоқлик билан иссиқлик исрофи;  $Q_3$  – атроф муҳитга иссиқликни исроф булиши. Қуйидаги

$$\frac{Q_1}{Q_{\text{хис}}} \cdot 100\% = q_1 = \eta, \%$$

нисбатни ИАА ни Ф.И.К. дейилади.

### Назорат саволлари:

1. Иссиқлик узатишнинг қандай турлари мавжуд?
2. Иссиқлик ўтказувчанлик қандай жараён?
3. Конвекция қандай жараён?
4. Иссиқлик нурланиши қандай жараён?
5. Фурье қонуни?
6. Ньютон-Рихман?
7. Стефан-Больцман?
8. ИАА га та'риф беринг.
9. ИАА лари қандай турларга бўлинади?
10. Рекуператив ИАА қандай ишлайди?
11. Регенератив ИАА қандай ишлайди?
12. ИАА ҳисоби қандай бажарилади?
13. Сув эквивалентлари қандай аниқланади?
14. Тўғри оқимли ҳаракатда температура қандай ўзгаради?
15. Тесқари оқимли ҳаракатда температура қандай ўзгаради?
16. Ўртача логарифмик температура қандай аниқланади?
17. ИАА ларнинг иссиқлик баланси қандай тузилади?

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Robert McDowall. Fundamentals of HVAC Systems. Copyright © 2006, American Society of Heating, Refrigerating and Air-Conditioning. Engineers, Inc. and Elsevier Inc Published by Elsevier 2006.

2. Theodore L. Bergman, Adrienne S. Lavine, Frank P. Incropera, David P. Dewitt. Fundamentals of Heat and Mass Transfer. .Seventn edition. Copyright © 2011 by John Wiley & Sons, Inc.

3. Yunus A. Cengel. Heat transfer. A Practical Approach. Seventh edition. Copyright © 2011 by John Wiley & Sons, Inc.

4. Jablonowski H. Thermostatventil-Praxis: Meßtechnik, Regelung, Montage, Hydraulig. Stuttgart: Gentner, 1994.

## 2-мавзу: Иссиқлик ва газ таъминотининг замонавий ҳолати ва асосий муаммолари

### Режа:

**2.1. Иссиқлик ва газ таъминотининг тарихи, ҳалқ ҳўжалигидаги тутган ўрни ва аҳамияти.**

**2.2. Иссиқлик ва газ таъминотининг асосий муаммолари ва уларни ечиш йўллари.**

**2.3. Иссиқлик ва газ таъминотидаги янги технологиялар тўғрисида умумий тушунчалар.**

*Таянч иборалар: иссиқлик таъминоти, газ таъминоти, янги технология, иссиқлик манбаси, иссиқлик тармоғи, иссиқлик маркази.*

### **2.1. Иссиқлик ва газ таъминотининг тарихи, ҳалқ ҳўжалигидаги тутган ўрни ва аҳамияти.**

Ҳозирги вақтда аҳолини иссиқлик, газ ва сув билан узлуксиз равишда сифатли таъминлашга республикамизда жуда катта эътибор берилмоқда. Шу боис мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни амалга оширишда мазкур соҳа еттинчи асосий устувор йўналиши деб белгиланган.


Маълумки, барчамизга муҳим ҳаётий аҳамиятга эга бўлган ушбу соҳада йиллар давомида жиддий муаммолар тўпланиб, ҳозирги кунда ўз ечимини кутмоқда. Улар орасида иссиқлик билан таъминлаш ва уни бошқаришнинг бутун тизимини кескин ўзгартириш, муқобил (альтернатив) ёқилғи ва энергия манбаларидан, хусусан, қуёш энергиясидан фойдаланган ҳолда, локал иссиқлик ва иссиқ сув таъминоти тизимларига босқичма-босқич ўтишни таъминлаш ҳамда эскирган, ёқилғини кўп сарф қиладиган қозонхоналарни табиий газни тежаб сарфлайдиган ускуналарга алмаштириш, бино ва иншоотларни иситиш, шамоллатиш, ҳавосини кондициялаш тизимларида замонавий энергия сарфланиши жиҳатдан тежамкор жиҳозлар, ростлаш асбоб-ускуналари, шунингдек янги технологиялардан республика шароитида унумли ва кенг фойдаланиш каби масалалар алоҳида аҳамиятга эгадир.

Мазкур масалаларни муваффақиятли ҳал этиш учун ушбу соҳага замонавий иссиқлик, газ таъминоти ва вентиляция тизимларининг тузилиши, ишлаш принциплари, асосий жиҳозлари, ҳисоблаш ва лойиҳалаш асослари, ишга тушириш, созлаш, синаш ва фойдаланиш қоидалари тўғрисида чуқур билимга, малака ва кўникамага эга бўлган бакалавр мутахассисларни тайёрлаш даркор.

Иссиқлик таъминоти ҳалқ ҳўжалигининг йирик тармоғидир. Унинг эҳтиёжига ҳар йили республикамизда қазиб олинadиган ва ишлаб чиқариладиган ёқилғининг тахминан 20% сарфланади. Марказлаштирилган иссиқлик таъминоти одатда йирик туман қозонхоналаридан фойдаланишга

## Мухандислик коммуникацияларини қурилиши ва монтажи

асосланган бўлади. Масалан, ҳозирги кунда Тошкент шаҳрида 10 та иссиқлик маркази ТЦ (теплоцентраль) лар ва 1 та Тошкент иссиқлик электр маркази ТЭЦ (теплоэлектростанция) мавжуд (2.1-расм). Уларнинг йиллик иссиқлик ишлаб чиқариш унумдорлиги 15401 минг Гкал. га тенг. Иссиқлик тармоқларнинг умумий узунлиги 1442 км., шу жумладан магистрал қувурлар 244 км. ни ташкил этади.



**2.1-расм. Тошкент шаҳрининг иссиқлик манбалари ва иссиқлик тармоқлари**

ТЦ-1...ТЦ-10- иссиқлик марказлари; ТЭЦ- иссиқлик электр маркази

Тошкент иссиқлик электр маркази-ТошТЭЦ Тошкент тўқимачилик комбинатини иссиқлик ва электр билан таъминлаш учун қурилган бўлиб, 1939 йилдан бошлаб ишлатиб келинмоқда. У Ўрта Осиёда марказлаштирилган иссиқлик таъминотини яратиш учун асос бўлган. Ўзбекистон шароитида марказлаштирилган иссиқлик таъминоти асосан Иккинчи жаҳон урушидан кейин ривож топа бошлади.

Жаҳон миқёсида иссиқлик таъминотини марказлаштирилишининг бошланиши деб 1818 йилни ҳисоблаш мумкин. Чунки шу йилда Англияда Тренгольд томонидан илк бор бир гуруҳ оранжереяларни 127 метр узокликда жойлашган қозонхонадан юқори бисимли буғли тизим ёрдамида иситиш амалга оширилган эди.



1830 йилда Германияда буғ машинасидан чиқариб ташланадиган буғдан биринчи марта буғли иситиш тизимида фойдаланилди.

Иссиқлик манбаларни механик энергия олиш ва иситиш мақсадида марказлаштиришдан яхши техник-иқтисодий кўрсаткичлар АҚШда олинган эди. 1878 йилда Локпорт шахрида (Нью-Йорк штати) буғ машиналарининг буғидан фойдаланиб 210 бино учун биринчи туман иссиқлик таъминоти тизими барпо этилган. Дастлаб ер ости буғ қувурларнинг узунлиги 2 км ни ташкил этган. Шу вақтнинг ўзида Бантедт шахрида (Нью-Йорк штати) биноларнинг катта гуруҳини иссиқ сув таъминоти билан қурама усулда насос-сувли иситилиши амалга оширилган.

1900 йилда Германиянинг Дрезден шахрида марказлаштирилган буғли иссиқлик таъминоти тизими 1050 м масофада жойлашган 12-та истеъмолчини иссиқлик билан таъминлаган. Бунда буғнинг босими 0,8 МПа бўлган.

XX аср бошида электр юритгичларнинг кўп миқдорда ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилганлиги муносабати билан сувли иссиқлик таъминоти ривожлана бошлади.

1924 йилда Россиянинг Санкт-Петербург шахрида профессор В.В. Дмитриев ва инженер Л.Л. Гинтер ташаббуси бўйича шахарнинг 3-чи электр станциясидан истеъмолчиларга иссиқлик узатиш мақсадида иссиқлик тармоғи ўтказилган эди. Мазкур станция келажакдаги иситиш ТЭЦ ларнинг тимсоли эди.

Марказлаштирилган иссиқлик таъминоти ғоясининг ривожланишига Л.Л. Гинтер, М.О. Гринберг, В.В. Дмитриев, А.А. Крауз, Ж.Л. Танер-Танненбаум, В.М. Чаплин, Б.М. Якуб, Е.Я. Соколов, Б.Л. Шифринсон, С.Ф. Копьёв, А.В. Хлудов, Е.Ф. Бродский, Н.М. Зингер каби олим ва инженерлар катта ҳисса қўшишди.


Юқорида қайд этилганидек, ҳозирги кунда марказлаштирилган иссиқлик таъминоти ўзининг ривожланишида янги босқични бошидан кечирмоқда. Чунки ўтган асрнинг ўттизинчи йилларидаги ғояларига асосланган марказлаштирилган иссиқлик таъминотининг истиқбол ривожланиши асосан иссиқлик манбаларининг донабай қувватини ошириш (иссиқлик узатилишининг радиусини кўпайтириш мақсадида) ва тармоқлардаги иссиқ сув параметрларини юқори даражага кўтариш ( $150^{\circ}\text{C}$  ўрнига  $200\text{--}225^{\circ}\text{C}$  ва хаттоки  $250^{\circ}\text{C}$  гача) ҳисобига амалга оширилиши мумкин. Бундай марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимларнинг ишончлилигини ошириш ва уларни бошқариш одатда жиддий муаммолар билан боғлиқдир.

Замонавий тасаввурларга қўра иссиқлик таъминоти келажакда муқобил ёқилғи ва энергия манбаларидан, хусусан қуёш энергиясидан фойдаланиш, локал иссиқлик ва иссиқ сув таъминоти тизимларига босқичма-босқич ўтиш, эскирган, ёқилғини кўп сарфлайдиган қозонхоналарни табиий газни тежаб сарфлайдиган ускуналарга алмаштириш, иссиқлик тармоқларида иссиқликни бефойда йўқолишини камайтириш, истеъмолчиларда иссиқлик ўлчагичларни ўрнатиш каби йўналишлар бўйича ривожланади.

## Мухандислик коммуникацияларини қурилиши ва монтажи

Иссиқлик таъминоти сингари, газ таъминоти ҳам халқ хўжалигининг йирик тармоғидир. Бирламчи энергия ресурсларнинг орасида табиий газнинг истеъмоли (2.2-расм) Ўзбекистон Республикасида биринчи ўринда туради (83%).


Ўзбекистонда табиий газдан фойдаланиш 1943 йилдан Ҳожиобод-Андижон газ қузури қурилиши билан бошланди. Газ саноатининг ривожланишида Ўзбекистонда очилган Сетолантепа (1953 йил), Газли (1962 йил) ва бошқа газ конлари катта роль ўйнади. Бу газ конлари асосида эллагинчи-олтмишинчи йилларда катта диаметрдаги (700 мм) Бухоро-Самарқанд-Тошкент-Фрунзе-Олмаота, Бухоро-Урал ва Ўрта Осиё-Марқаз Магистрал газ қувурлари қурилиб ишга туширилди. Ҳозирги кунда турли хил диаметрли Магистрал қувурларнинг умумий узунлиги 13,0 минг км. дан ошиб кетган. Уларда 25 та компрессор станциялари ва учта ер ости омборлари (Шимолий Сох, Ҳожиобод ва Газли) ишлатилмоқда, Тошкент шаҳарининг газ таъминотини яхшилаш мақсадида Олимкент ер ости омборини қуриш режалаштирилган.



2.2- расм. Ўзбекистон Республикасида бирламчи энергия захираларининг истеъмоли


## Иссиқлик таъминоти ва иссиқлик жараёнлари ҳамда газ таъминотида янги технологиялар

1991 йилда аҳолини табиий газ билан таъминлаш даражаси жами 44,6% ни ташкил қилган бўлса (2.3-расм), 2008 йилга бориб у 83,4% гача етказилди, шу жумладан шаҳар аҳолиси учун – 94,2% ва қишлоқ аҳолиси учун – 76,4%.



2.3- расм. Ўзбекистон Республикасида газлаштириш даражаси

Бундай юқори кўрсаткичларга эришиш учун республикада жами 121,9 минг км газ тармоқлари қурилган (2.4- расм), шундан юқори босимли – 12,5 минг км, ўрта босимли – 26,5 минг км ва паст босимли – 82,9 минг км.



Газ қувурларнинг умумий узунлиги, минг км.  
2.4- расм. Газ тармоқларининг ўсиш динамикаси

Ўзбекистон бўйича ҳозирги даврда бир йилда 60,5 млрд м<sup>3</sup> дан ортиқ табиий газ қазиб олинади, яъни 1992 йилга қараганда 1,4 марта кўп. Асосий конлар бўлиб Муборак, Шўртан ва Кўкдумалоқ ҳисобланади, булардан ташқари бошқа кичик конлар ҳам мавжуд.

Ўзбекистон иқлими шароитида фуқаро ва саноат биноларининг ҳавосини янгилаш ва талаб этилган микроиқлимни таъминлаш жуда катта ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятга эга, чунки бунга одамларнинг соғлиғи, меҳнатнинг унумдорлиги, технологик жараёнларини тўғри амалга оширилиши каби масалалар бевосита боғлиқдир.

Ҳозирги вақтда вентиляция ва ҳавони кондициялаш технолигиясида улкан ўзгаришлар бўлиб ўтмоқда. Бунга асосий сабаб – вентиляция ва ҳавони кондициялаш тизимларига энергияни тежаш, бошқаришни соддалаштириш, жиҳозлар эгаллайдиган майдонларни камайтириш, монтаж қилишни осонлаштириш, ҳаво алмашилиш самарадорлигини кўтариш нуқтаи назаридан қўйиладиган талабларнинг кескин ошишидир.

Замонавий талабларга кўра вентиляция ва ҳавони кондициялаш тизимлари хоналарга минимал миқдорда, яъни фақат санитар-гигиеник талабларга етарли даражада ташқи ҳавони бериши лозим. Чунки хоналарда ҳавони ҳаддан ташқари кўп миқдорда янгилаш ташқи ҳавога ишлов бериш учун энергия сарфланишини кескин оширади. Шунга қараб, ҳозирги кунда вентиляция ва ҳавони кондициялаш тизимларини такомиллашининг қўйидаги асосий йўналишларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- ортиқча юкламалардан вентиляция тизимларини холи қилиш;
- истеъмол даражаси бўйича ҳаво алмашилишини жорий созлаш;
- вентиляция ва ҳавони кондициялаш тизимларини максимал равишда маҳаллийлаштириш (децентрализациялаш);
- хонанинг вентиляция режимини маҳаллий бошқариш;
- хонадаги ҳавони янгилаш учун қиздирилмаган (ёки совитилмаган) ташқи ҳаводан фойдаланиш;
- ҳавони минимал қиздириш учун электр калориферларидан фойдаланиш;
- ташқарига чиқариб юбориладиган ҳавонинг иссиқлиги (совуқлиги)ни қайта ишлатиш (утилизация қилиш);
- Ҳавони ҳаракатга келтириш учун табиий кучлардан максимал фойдаланиш;
- замонавий юқори самарали вентиляция жиҳозларини қўллаш;
- вентиляция ва ҳавони кондициялашга қўйиладиган меъёрий талабларни аниқлаштириш.

Республика ички бозорида хоналарга узатиладиган ҳавога ишлов бериш учун мўлжалланган бошқаришда қулай, энергия сарфлашда тежамкор, монтаж қилишда осон ихчам вентиляция ва ҳавони кондициялаш турли хил асбоб–ускуналари, жиҳозлари етарли даражада мавжуд. Асосий вазифа ушбу жиҳозлардан таркиб топган вентиляция ва ҳавони кондициялаш тизимларини тўғри лойиҳалаш, танлаш ҳамда улардан унумли фойдаланишдир.

### **Назорат саволлари:**

1. Иссиқлик таъминотининг тарихи, халқ хўжалигидаги тутган ўрни ва аҳамияти?
2. Тошкент шаҳрининг иссиқлик манбалари ва иссиқлик тармоқлари?
3. Газ таъминотининг тарихи, халқ хўжалигидаги тутган ўрни ва аҳамияти?
4. Ўзбекистон Республикасида газлаштириш даражаси?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Rashidov Yu.K. Issiqlik, gaz ta`minoti va ventilatsiya tizimlari. Oliy o`quv yurtlari uchun darslik. –Toshkent.: Cho`lpon, 2009. – 186 b.
2. Рашидов Ю.К., Саидова Д.З. “Иссиқлик, газ таъминоти ва вентиляция” ўқув қўлланма. Тошкент, ТАҚИ, 2002. – 146 б.
3. Rashidov Yu.K. Gaz ta`minoti tizimlari. 3580400 - “muhandislik kommunikatsiyalari qurilishi” tayyorlov yo`nalishining 3580401-“Suv, gaz ta`minoti va kanalizatsiya tizimlarini montaj qilish va ta`mirlash” kasb-hunar kollej mutaxassisligi uchun darslik, «Yangi nashr», 2010.- 80 b.
4. Rashidov Yu.K. Gaz ta`minoti tizimi jihozlarini montaj qilish, ulardan foydalanish va ta`mirlash. 3580400 - “muhandislik kommunikatsiyalari qurilishi” tayyorlov yo`nalishining 3580401-“Suv, gaz ta`minoti va kanalizatsiya tizimlarini montaj qilish va ta`mirlash” kasb-hunar kollej mutaxassisligi uchun darslik, «Yangi nashr», 2010.- 80 b.
5. Rashidov Yu.K. Gzsimon o`yqilg`ilar. 3580400 - “muhandislik kommunikatsiyalari qurilishi” tayyorlov yo`nalishining 3580401-“Suv, gaz ta`minoti va kanalizatsiya tizimlarini montaj qilish va ta`mirlash” kasb-hunar kollej mutaxassisligi uchun darslik, 2012.- 80 b.

### **3-мавзу: Иссиқлик таъминотида янги энергия тежамкор технологиялар**

#### **Режа:**

**3.3.Анъанавий ва замонавий иссиқлик таъминоти тизимларининг асосий белгилари.**

**3.2.Иссиқлик энергиясини тежаш йўллари.**

**3.3.Иссиқлик тармоқларида иссиқлик йўқолишини камайтириш.**

*Таянч иборалар: иссиқлик таъминоти, янги технология, иссиқлик манбаси, иссиқлик тармоғи, иссиқлик маркази, анъанавий тизим, замонавий иссиқлик таъминоти*

**3.1. Анъанавий ва замонавий иссиқлик таъминоти тизимларининг асосий белгилари.**

Марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимларида иссиқлик биноларни иситишга, вентиляция ва ҳаво кондициялаш қурилмаларида

хоналарга узатиладиган ҳавони қиздиришга, иссиқ сув таъминотига, шунингдек саноат корхоналарида паст ҳароратли (300-350<sup>0</sup>С гача бўлган) технологик жараёнларга сарфланади.

Йил давомида иссиқликни истеъмол қилиш режимига кўра юқорида қайд этилган истеъмолчилар икки турга бўлинади:

1. Мавсумий истеъмолчилар.
2. Йил давомидаги истеъмолчилар.

Мавсумий истеъмолчилар иссиқликни ташқи ҳавонинг ҳароратига боғлиқ бўлган ҳолда сарфлайди. Масалан, иситиш ва вентиляцияга бўлган иссиқлик юкламалар ташқи ҳавонинг ҳароратига ва бошқа шарт-шароитларга (куёш радиацияси, шамол тезлиги, ҳавони намлиги) боғлиқдир. Агар ташқи ҳавонинг ҳарорати иситилаётган хонадаги ҳавонинг ҳароратига тенг ёки ундан юқори бўлса, у ҳолда иситиш ва вентиляцияга иссиқлик энергияси талаб этилмайди.

Демак, иситиш ва вентиляция тизимларида йил давомида фақат ташқи ҳавонинг паст ҳароратларида сарфланади. Шунинг учун бундай истеъмолчилар мавсумий дейилади.

Йил давомидаги истеъмолчилар иссиқликни йил давомида ташқи ҳавонинг ҳароратига деярли боғлиқ бўлмаган ҳолда сарфлайди. Масалан, иссиқ сув таъминоти тизимлари ва турли хил технологик жараёнларга иссиқлик юкламалар ташқи ҳавонинг ҳароратига боғлиқ бўлмайди. Шунинг учун бундай истеъмолчилар йил давомидаги истеъмолчилар дейилади.

Иссиқлик истеъмол қилиш бўйича биноларни 3 гуруҳга бўлиш мумкин. Турар жой бинолари, жамоат бинолари ва ишлаб чиқариш корхоналари.

Турар жой бинолари учун иситиш, вентиляция мавсумий истеъмоли бўлса, иссиқ сув таъминоти йил давомидаги истеъмоли бўлади. Турар жой бинолари учун вентиляция орқали ҳамда, ойна ва ташқи тўсиқнинг тирқишларидан хоналарга ҳаво киради.

Кўпчилик жамоат биноларида асосан истеъмол мавсумий бўлиб, иситиш, вентиляция ва ҳавони кондициялаш учун иссиқлик сарф қилинади. Ишлаб чиқариш корхоналарда эса мавсумий ва йил давомидаги истеъмоли бўлиб иссиқ сув сарфланади. Биноларнинг иссиқликка бўлган талаби ўзгарувчан бўлиб, иситиш, вентиляциянинг иссиқлик сарфлари ташқи ҳароратга боғлиқ бўлади, иссиқ сувга бўлган талаблар эса бинолардаги яшайдиган одамларнинг иссиқ сув истеъмол қилиш тартибига (иссиқ сув аккумуляторларнинг бор-йўқлигига) боғлиқ бўлади. Технологик ускуналар учун иссиқликдан фойдаланиш эса ускуналарининг иш тартибига боғлиқ бўлади.

Марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизими асосан қуйидаги элементлардан: иссиқлик манбаи, иссиқлик тармоғи, истеъмолчининг киритиш тугуни (узел ввода) ва маҳаллий иссиқлик истеъмол тизимларидан иборат бўлади. Иссиқлик манбаларининг истеъмолчиларига нисбатан жойлашишига қараб, иссиқлик таъминоти тизимлари марказлашган ва марказлаштирилмаган бўлади.

Марказлаштирилмаган тизимларда иссиқлик манбалари билан истеъмолчиларнинг иссиқликни қабул қилувчи мосламалари ягона бир қурилмага бирлаштирилган бўлади.

Марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимларида иссиқлик манбаи ва истеъмолчиларнинг иссиқликни қабул қилувчи мосламалари бир-бирига нисбатан алоҳида, кўпинча узоқ масофада жойлашган бўлади ва манбадан иссиқликни истеъмолчиларга узатилиши иссиқлик тармоқлари орқали амалга оширилади. Марказлаштириш даражаси бўйича иссиқлик таъминоти тизимлари куйидаги гуруҳларга бўлиниши мумкин:

**гуруҳли** - бинолар гуруҳининг иссиқлик таъминоти;

**туманли** - бир неча бино гуруҳларининг иссиқлик таъминоти;

**шаҳарли** - бир неча туманнинг иссиқлик таъминоти;

**шаҳарларароли** - бир неча шаҳарнинг иссиқлик таъминоти.

Марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимлари иссиқлик ташувчисига қараб: сувли ва буғли турларига бўлинади.

Сувли иссиқлик таъминоти тизимлари қувурларнинг сони бўйича бир, икки, уч, тўрт ва кўп қувурли бўлиб, бу қувурлар ичида иссиқлик ташувчиси сифатида сув хизмат қилади. Сувли тизимлар очиқ ва ёпиқ бўлади.

Ёпиқ тизимларда иссиқлик тармоғидаги сувдан фақат иссиқликни ташувчи мухит сифатида фойдаланилади ва у иссиқлик тармоғидан четга сарфланмайди.

Очиқ тизимларда иссиқлик тармоғидаги сув қисман ёки тўлалигича истеъмолчилар томонидан ишлатилади. Очиқ тизимларнинг асосий қувурлар сони энг камида бирга, ёпиқ тизимлар учун эса иккига тенг бўлади. Кўп ҳолларда шаҳарларнинг иссиқлик таъминоти учун икки қувурли сувли тизимлар қўлланилади.

Иссиқлик тармоқлардаги қувурлар узатиш ва қайтиш қувурларига бўлинади. Узатиш қувурлари ёрдамида иссиқ сув станциядан истеъмолчиларга етказиб берилади, қайтиш қувурлари орқали эса совуган сув яна станцияга қайтарилади.

Технологик иссиқлик юкламаси мавжуд бўлган саноат туманларида уч қувурли тизимлар қўлланилиши мумкин; бунда иккитаси узатиш қувури ва биттаси қайтиш қувури бўлади. Айрим ҳолларда кўп қувурли тизимлар қўлланилади. Улар энг кўп капитал маблағи талаб қиладиган ва ишлатилиши энг мураккаб бўлган тизимлар ҳисобланади.

Ёпиқ тизимларда идеал ҳолда  $G_y = G_k$  яъни, иссиқлик манбадан узатиладиган ва унга қайтиб келадиган сувнинг сарфи бир хил бўлади. Амалда эса  $G_y > G_k$  бўлади, чунки кўпинча сув иссиқлик камералардан, арматура ва насослардан оқиб кетиши билан сувнинг қайтиш сарфи камади. Ёпиқ тизимларда қувурлар сони иккита бўлиб, иссиқлик ташувчи орқали ўз иссиқлигини иситиш қурилмаларига берганидан сўнг станцияга қайтарилиши лозим (3.1-расм).

Ёпиқ тизимларда истеъмолчиларнинг иссиқлик қурилмаларига берилаётган сув тармоқ сувидан иссиқлик алмаштиргичи ёрдамида ажратилган бўлади. Натижада истеъмолчиларга юқори сифатли иссиқ сув берилиши таъминланади. Алоҳида иситгич ўрнатилиши натижасида иссиқлик таъминоти тизими мураккаблашиб кетади. Иситгичларда ва иссиқлик қурилмаларида туз чўкмалари ўтириб қолади.

Иссиқ сув таъминотининг маҳаллий қурилмаларида занглаш содир бўлади.

Очиқ тизимларда  $G_y > G_k$ . Тармоқ суви маҳаллий иссиқ сув таъминоти тизимининг сув тарқатиш кранлари орқали тарқалади. Очиқ тизимларда иссиқлик тармоғида сув доимо таъминланиб турилади.


Иссиқлик таъминотининг очиқ тизимлари асосан икки қувурли бўлади (3.1-расм). Иссиқ сув истеъмолчиларга станциядан узатиш қувури I орқали берилади. Сувни станцияга қайтариш учун қувур II хизмат қилади. Истеъмолчиларнинг иссиқ сув таъминоти бевосита иссиқлик тармоғидан сув олиб бериш йўли билан амалга оширилади.

Юклама графигини текислаш учун иссиқ сув тўплагичи (аккумулятори) ўрнатилади. 1.3-расмдаги «0» да кўрсатилган чизмадаги яшаш жойларида икки хил иссиқлик юкламаси, яъни, иситиш ва вентиляция таъминоти мавжуд. Бу чизма асосида уланган турли юкламалар бир-бирига нисбатан боғлиқ бўлмаган ҳолда созланиши мумкин. Иситиш қурилмаларини иссиқлик тармоғига мустақил уланиш ( $z$ -чизмаси) иссиқ сув таъминотига берилаётган сув сарфини яхшилаш имконини яратади.

3.1-расмда қабул қилинган шартли белги.  $a, б, в, z$  - иситиш қурилмаларининг иссиқлик тармоғига уланиш чизмалари;  $д, е$ -иссиқ сув таъминоти қурилмаларини иссиқлик тармоғига уланиш чизмаси;  $ж, з, и, к, л, м, н$ -иситиш ва иссиқ сув таъминоти қурилмалари ни биргаликда иссиқлик тармоғига уланиш чизмаси.

1-иссиқ сув аккумулятори; 2-ҳаво крани; 3-иссиқ сув жўмраги; 4-иситиш асбоби; 5-тескари клапан; 6-иситгич; 7, 8-иссиқ сув таъминотининг қуйи ва юқори поғона иситгичлари; 9-иситиш тизимининг иситгичи; 10-кенгайиш идиши; 11-босим ростлагичи; 12-сув сарфининг ростлагичи; 13-ҳарорат ростлагичи; 14-иситиш ростлагичи; 15-элеватор; 16-насос; 17-қўшимча сув билан таъминлаш насоси; 18-тармоқ насоси; 19-қўшимча сув ростлагичи; 20-доимий қаршилик; 21-иссиқлик таъминотининг иситгичи; 22-чўкқи қозон; 23, 24-қуйи ва юқори поғона калориферлари.





3.1-расм. Иссиқлик таъминотининг сувли икки қувурли ёпиқ тизими

**Очиқ тизимларнинг ёпиқ тизимларга нисбатан афзалликлари:**

- 1) электр станциясида ва саноат корхоналарида ишлатилган паст ҳароратли сувни иссиқ сув таъминоти учун фойдаланиш имкони мавжудлиги;
- 2) маҳаллий иссиқ сув таъминоти қурилмаларининг содда ва арзонлиги, уларда иш муддатининг узайиши.

**Камчиликлари:**

- 1) станцияда сувнинг тайёрланиши мураккаблиги ва қимматлиги;
- 2) истеъмолчиларга берилаётган сувнинг сифати санитария тозалик ва саломатлик талабларига жавоб бермаслиги;
- 3) иссиқлик таъминоти тизими устидан ўтказиладиган санитария назоратининг мураккаблиги;
- 4) иссиқлик тармоғининг қайтиш қувуридаги сув сарфининг доимо ўзгариб туриши ва тармоқнинг гидравлик ҳолати барқарор бўлиши натижасида ишлатилишининг мураккаблиги;
- 5) иссиқлик таъминоти тизимининг зичлигини назорат қилишининг мураккаблиги.

Анъанавий иссиқлик таъминоти тизимларининг асосий белгилари: очиқ тизим, ягона иссиқлик манбаи, иссиқлик энергиясини катта сарфи, элеватор орқали уланиши, пўлат қувурлардан фойдаланиши, атроф муҳитга зарар келтириши.

Замонавий иссиқлик таъминоти тизимларининг асосий белгилари: ёпиқ тизим, бир нешта иссиқлик манбаи, иссиқлик энергиясини кам сарфи, иссиқлик алмашинув аппаратлари орқали уланиши, пўлат ва пластмасс қувурлардан фойдаланиши, атроф муҳитга кам зарар келтириши.

### **3.2.Иссиқлик энергиясини тежаш йўллари**

**Иссиқлик таъминоти тизимларида иссиқлик энергиясини тежашнинг қуйидаги йўллари ажратиш мумкин:**

1. Биноларнинг иссиқлик ҳимоясининг даражасини ошириш (ҚМҚ 2.01.04-97\* «Қурилиш иссиқлик техникаси»га узгартиришлар киритиш);
2. Иссиқлик тармоқларида иссиқлик йўқолишини камайтириш (ёпиқ тизимга ўтиш);
3. Биноларни иссиқлик тармоқларига улаш схемасини такомиллаштириш;
4. Маҳаллий козонхоналардан унумли фойдаланиш;
5. Замонавий иситиш асбобларидан фойдаланиш;
6. Термостатик ростлаш арматураларидан фойдаланиш;
7. Куёш энергиясидан фойдаланиш;

### **3.3.Иссиқлик тармоқларида иссиқлик йўқолишини камайтириш.**

Иссиқлик тармоқларида иссиқлик йўқолишини камайтириш йўллари:

- Очиқ иссиқлик тармоқларидан ёпиқ иссиқлик тармоқларига ўтиш. Иссиқлик ташувчисининг бефойда йўқолишини 30-40% камайтиради.
- Элеваторли ўлаш схемаси ўрнига пластинкали иссиқлик алмаштиргичлардан фойдаланиш.

■ Амалда Куйлик-2 мавзесида TACIS намоёиш лойиҳасида 11 та кўп қаватли биноларда синалган.

Ҳозирги кунда кўп қаватли турар жой ва жамоат биноларини иситиш учун сувли пастки тармоқли бир қувурли иситиш тизимлардан фойдаланилмоқда. Мазкур иситиш тизимлари республиканинг йирик шаҳарларида, айниқса Тошкент шаҳрида жуда кенг тарқалган бўлиб, уларда бинонинг турли қаватларида жойлашган хоналарнинг иситиш асбоблари П-симон тик қувурлар ёрдамида ертўлада ётқизилган магистрал қувурларга уланган. Иситиш тизими эса ўз навбатида бинонинг киритиш тугуни орқали шаҳарнинг икки қувурли очиқ иссиқлик тармоқларига бевосита боғлиқ бўлган чизмаси билан уланган. Бундай тизимлардан фойдаланишнинг кўп йиллик тажрибаси уларнинг қуйидаги камчиликларга эга эканлигини кўрсатади:

1) йилнинг ўтиш даврида хоналарнинг ортиқча иситиб юборилиши, совуқ кунларда эса сув айланишини яхшилаш мақсадида уни истеъмолчилар томонидан тармоқдан тўкиб юборилиши натижасида, иссиқликни 30 дан 50% гача ортиқча сарфланиши;

2) иссиқлик тармоқларга иситиш тизимини бевосита уланиши натижасида П-симон қувурларни вақт ўтиши билан тикилиши ва бино бўйича хоналарни нотекис иситиш;

3) иситиш асбобларида ростлаш мосламалари йўқлиги сабабли, хоналарда керакли ҳароратни таъминлаб бўлмаслиги ва бошқалар.

Юқорида қайд этилган камчиликлар замонавий сув билан иситиш тизимларида турли хил йўллар билан бартараф этилади. Уларни шартли равишда учта гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Иситиш тизимининг чизмасини тубдан ўзгартириш, яъни, янги принципларга, янги иссиқлик манбаларга ва бошқа янги технологик ечимларга ўтиш.

2. Иситиш тизимларининг чизмаларини қисман ўзгартириш, янги замонавий жиҳозлар билан жиҳозлаш натижасида салмоғини ошириш.

3. Иситиш тизимларининг чизмаларини ўзгартирмасдан туриб уларни фақат замонавий иситиш жиҳозлари, арматура ва қувурлар билан жиҳозлаш.

Бу соҳада чет эл тажрибасидан фойдаланиш мақсадида Тошкент шаҳрида Tacis йўналиши бўйича замонавий иситиш тизимлари билан жиҳозланган битта кўп қаватли турар жой биноси (Чехова кўчаси, 30), сўнгра 11-та бинодан иборат бўлган турар жой мавзеси (Кўйлик-2)да тажрибавий намоёиш лойиҳалари EUZ9602 ва EUZ9802 амалга оширилди.

Чехов кўчаси 30 турар жой биносида иситиш тизимларининг янги технологик ечимлари синалди:

-бинонинг томонлари бўйича ростланувчи иситиш тизими;

-маҳаллий бир нечта хонадонларга мўлжалланган янги газ қозонлар билан жиҳозланган иситиш тизими;


-якка хонадонларни иситиш тизимлари;

-куёш энергиясидан фойдаланадиган иситиш тизимлари.


## Мухандислик коммуникацияларини қурилиши ва монтажи

Синовлар маҳаллий бир нечта хонадонга хизмат кўрсатадиган иситиш тизимлари ва қуёш энергиясидан фойдаланадиган тизимлар унинг юқори техник-иқтисодий кўрсаткичларга эга эканлигини кўрсатади. Лекин бу тизимлардан кенг миқёсда фойдаланиш амалдаги тизимларни қайта қуриш учун жуда катта маблағ сарфланишини талаб этади. Шунинг учун Кўйлик-2 мавзесидаги тажрибавий намоиш лойиҳасида амалдаги иситиш тизимлари асосида, кам ўзгартиришлар йўли билан янги замонавий тизимларга айлантириш вазифаси қўйилди. Бунда иситиш тизими бўйича учта вариант бири-бири билан таққосланиб солиштирилди:


- эталон бўлган вариант “0”; амалдаги тизим (3.2.-расм);
- 1-чи вариант; пастки тармоқли бир қувурли иситиш тизими боғлиқ бўлмаган чизма (3.3-расм);
- 2-чи вариант; пастки тармоқли бир қувурли иситиш тизими ҳамда иссиқ сув таъминоти (ИСТ) боғлиқ бўлмаган чизма (3.4-расм).



3.2.-расм. Эталон бўлган вариант “0”- амалдаги тизимнинг чизмаси.



3.3-расм. Биринчи вариант пастки тармоқли бир қувурли иситиш тизими боғлиқ бўлмаган чизма.



3.4-расм. Иккинчи вариант пастки тармоқли бир қувурли иситиш тизими ҳамда ИСТ боғлиқ бўлмаган чизма.

## Мухандислик коммуникацияларини қурилиши ва монтажи

Ўтказилган тажрибалар иссиқлик энергиясини тежамкорлиги бўйича 2-чи вариант энг юқори ўринда, сўнгра 1-чи вариант ва охирида 0-чи вариант эканлигини кўрсатди.

### Назорат саволлари:

1. Кўп қаватли турар жой ва жамоат биноларини иситиш учун ҳозирги кунда қандай иситиш тизимлардан фойдаланилмоқда? Уларнинг асосий афзалликлари ва камчиликларини тушунтириб беринг?

2. Замонавий иситиш тизимлари қандай афзалликларга эга? Янги технологик ечимларни изоҳлаб беринг?

3. Кўп қаватли осмонўпар биноларни иситишнинг моҳиятлари нималар билан белгиланади? Нима мақсадда сувли иситиш тизимлари алоҳида зоналарга бўлинади?

4. Саноат биноларини иситиш учун қандай иситиш тизимларидан фойдаланилади?

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Rashidov Yu.K. Issiqlik, gaz ta`vinoti va ventilatsiya tizimlari. Oliy o`quv yurtlari uchun darslik. –Toshkent.: Cho`lpon, 2009. – 186 b.

2. Рашидов Ю.К., Саидова Д.З. “Иссиқлик, газ таъминоти ва вентиляция” ўқув қўлланма. Тошкент, ТАҚИ, 2002. –. 146 б.

## 4-мавзу: Биноларнинг иссиқлик ҳимоясининг даражасини ошириш ва иситишда янги технологиялар

### Режа:

4.1. Биноларнинг иссиқлик ҳимоясининг даражасини ошириш.

4.2. Биноларни иситиш учун анъанавий бўлмаган манбалардан фойдаланиш.

*Таянч иборалар:* иссиқлик ҳимоялаш даражаси, градус сутка, анъанавий бўлмаган манба, қуёш энергияси, қуёш коллектори, концентратор, пассив қуёшли иситиш тизими, актив қуёшли иситиш тизими.

### 4.1. Биноларнинг иссиқлик ҳимоясининг даражасини ошириш

Биноларнинг иссиқлик ҳимоясининг даражасини ошириш учун 2011 йилда ҚМҚ 2.01.04-97\* «Қурилиш иссиқлик техникаси»га узгартиришлар киритилган (15% гача). Уларни амалга тадбиқ қилиниши 25% ва ундан ортиқ иссиқлик энергиясини тежашга имкон беради.

Масалан, турар-жой бинолари деворларининг умумий термик қаршилиги  $R_{ум}$  учта ҳимоя даражаси бўйича аниқланиши мумкин:

■ Градус сутка иситиш даври (ГСОП)	. 1 хим.дар	2 хим.дар	3 хим.дар
■ 2000 гача	0,75	1,4	2,2
■ 2000 дан 3000 гача	0,94	1,8	2,6
■ 3000 дан ортиқ	0,94	2,2	3,0

Градус сутка иситиш даври учун

$$D_d = (t_v - t_{от.пер.})z_{от.пер.}$$

#### 4.2. Биноларни иситиш учун анъанавий бўлмаган манбалардан фойдаланиш

Иситиш тизимларда анъанавий иссиқлик манбалари (кўмир, газ ва суюқ ёқилғиларда ишлайдиган иссиқлик чиқариш ускуналари) билан бир қаторда, анъанавий бўлмаган манбалардан, масалан қуёш ва геотермал сувлар энергиясидан фойдаланиш мумкин.

Ўзбекистон шароитида иситиш учун айниқса қуёш энергиясидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир, чунки республикамиз гелио ресурсларга жуда ҳам бойдир.

Қуёш радиацияси деярли тугамас ва экологик тоза энергия манбаидир. Қуёш энергияси оқимининг қуввати атмосферанинг юқори чегарасида  $1,7 \times 10^{14}$  кВт бўлса, ер юзининг сатхида  $1,2 \times 10^{14}$  кВт га тенг. Йил давомида ерга тушаётган қуёш энергиясининг умумий миқдори  $1,05 \times 10^{18}$  кВт/соатга тенгдир, шу жумладан ернинг қуруқлик юзасига  $2 \times 10^{17}$  кВт/соат тўғри келади. Экологик муҳитга зарар етказмасдан туриб, умумий тушаётган қуёш энергиясининг 1,5% гача фойдаланиш мумкин. Бу жуда катта энергия миқдоридир. Агар бу миқдордан кўпроқ қуёш энергиясидан фойдаланилса, унда парник эффекти натижасида ернинг иқлими ўзгариш ва экологик муҳит бузилиши мумкин.

Қуёш нурланиш оқимининг ўртача суткалик интенсивлиги тропик зоналари ва чўлларда  $210-250$  Вт/м<sup>2</sup> [ $18-21,2$  мЖ/(м<sup>2</sup>•сут)], Ўзбекистонда  $186-214$  Вт/м<sup>2</sup> [ $16,1 \div 28,47$  мЖ/(м<sup>2</sup>•сут)], максимал миқдори эса (ер юзининг сатхида)  $1000$  Вт/м<sup>2</sup>, қуёш доимийси  $1530$  Вт/м<sup>2</sup> тенг (атмосферанинг юқори чегарасида қуёш нурларига перпендикуляр сиртда). Марказий Осиё республикаларида йил давомида қуёш нур сочисининг давомийлиги  $2700-3035$  соатга тенг. Йил давомида  $1$  м<sup>2</sup> горизонтал сиртга Ашхаботда  $1720$  кВт•соат, Тошкентда  $1684$  кВт•соат, Нукусда  $1632$  кВт•соат, Термез  $1872$  кВт•соат энергия тушади.

Қуёшли иситиш тизимлари деб, иссиқлик манбаси сифатида қуёш энергиясидан фойдаланиладиган тизимларга айтилади. Қуёшли иситиш тизимлари бошқа паст ҳароратли иситиш тизимларидан, қуёш энергиясини қабул қилиш ва уни иссиқлик энергиясига айлантириш учун хизмат қиладиган, махсус элементи-қуёш коллектори мавжудлиги билан фарқланади.

Қуёш радиациясидан фойдаланиш усулига кўра паст ҳароратли қуёшли иситиш тизимлари пассив ва актив турларга бўлинади.

Пассив қуёшли иситиш тизимларда, қуёш радиациясини қабул қиладиган ва иссиқликка айлантирадиган элемент сифатида бинонинг ўзи ёки унинг алоҳида қисмлари (деворлар, том ва шунга ўхшаш) хизмат қилади (3.5-расм).


«Бино-коллектор» турдаги пассив қуёшли иситиш тизимда, қуёш радиацияси ёруғлик оралиғлари орқали хоналарга кириб иссиқлик тутқичга тушгандай бўлади. Қисқа тўлқинли қуёш нурлари дераза ойналаридан эркин ўтиб (ўтқазиниш коэффициенти  $0,85 \div 1,0$  га тенг), ички тўсиқлар ва мебелларга тушиб, иссиқликка айланади. Сиртларнинг ҳарорати ошади, иссиқлик ҳавога ва

## Мухандислик коммуникацияларини қурилиши ва монтажи

хонанинг ёруғлик тушган сиртларига конвекция ва нурланиш орқали берилади. Бунда сиртлар нурланиши узун тўлқинли соҳада содир бўлади ва нурлар дераза ойналаридан ёмон ўтиб (ўтказиш коэффиценти  $0,1 \div 0,15$  га тенг), хонанинг ичига қайтарилади.

Шундай қилиб, хонага кирган қуёш радиацияси унда деярли бутунлай иссиқликка айланади ва хонанинг иссиқлик йўқолишларни тўлиқ ёки қисман қоплаш мумкин.

Ички массив тўсиқлар иссиқлик бир қисмини аккумуляциялаши қуёш радиацияси тўхтагандан сўнг уни аста-секин 6-8 соат давомида хонага бериши мумкин.



3.5-расм. «Девор-коллектор» турдаги паст ҳароратли қуёшли иситиш тизими


1-қуёш нурлари; 2-нурга шаффоф тўсиқ; 3-ҳаво катламини; 4-хонага узатиладиган қиздирилган ҳаво; 5-хонада совуган ҳаво; 6-девор массиви ўзининг узун тўлқинли нурланиши; 7-деворнинг қора нур қабул қилувчи сирти; 8-ростланувчан тўсиқлар.

Актив паст ҳароратли қуёшли иситиш тизимлари деб қуёш коллекторлари алоҳида мустақил бинога тегишли бўлмаган қурилмалар кўринишига кирган тизимларга айтилади.

Ҳозирги кунда актив қуёшли иситиш тизимларида икки турдаги қуёш коллекторларидан фойдаланилади: концентрациялайдиган ва ясси (3.6-расм). Бундай қуёш коллекторлари билан ишлайдиган қуёшли иситиш тизимлари 3.7-расмда келтирилган.

Ўзбекистон шароитида фақат қуёш коллекторлари ёрдамида хоналарни иситиш иқтисодий нуқтаи назардан ўзини оқлай олмайди. Шунинг учун бундай иситиш тизимларда қўшимча аънавий иссиқлик манбаи қўлланилади. Бунда қуёш энергиясининг улуши иссиқлик юкласидан тахминан 30-50% ни ташкил қилади.







3.6.-расм. Қуёш коллекторлари

*a*-концентрациялайдиган; *б*-ясси; 1-қуёш нурлари; 2-иссиқликни қабул қилувчи элемент; 3-нур қайтарадиган ойна; 4-кузатиш механизми; 5-нур ютиш панели; 6-ойна; 7-корпус; 8-иссиқлик изоляцияси; 9-улаш қувурлари.

*a)*



*б)*



3.7.-расм. Концентрациялайдиган (*a*) ва ясси (*б*) коллекторли қуёшли иситиш тизимлари  
1-параболоцилиндрик концентратор; 2-сууқлик иссиқлик аккумулятори; 3-қўшимча иссиқлик манбаи; 4-термометр; 5-иситиш тармоғи; 6-ростлаш вентили; 7-насос; 8-ясси қуёш

## Мухандислик коммуникацияларини қурилиши ва монтажи

коллектори; 9-кенгайиш идиши; 10-иссиқлик алмаштиргичи; 11-иситиш асбоби; 12-бак-аккумулятор.

### Назорат саволлари:

1. Иссиқлик ҳимоялаш даражаси деганда нимани тушунасиз?
2. Градус сутка нимани билдиради?
3. коллектори нима учун хизмат қилади?
4. Куёш концентраторлари қандай ишлайди?
5. Пассив куёшли иситиш тизими қандай ишлайди?
6. Актив куёшли иситиш тизими қандай ишлайди?
7. Биноларни иситиш учун анъанавий бўлмаган энергия манбалардан, хусусан куёш ва геотермал сувлар энергиясидан, фойдаланиш қандай амалга оширилади?

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Rashidov Yu.K. Issiqlik, gaz ta'vinoti va ventilatsiya tizimlari. Oliy o'quv yurtlari uchun darslik. –Toshkent.: Cho'lpon, 2009. – 186 b.
2. Рашидов Ю.К., Саидова Д.З. “Иссиқлик, газ таъминоти ва вентиляция” ўқув қўлланма. Тошкент, ТАҚИ, 2002. –. 146 б.
3. Рашидов Ю.К., Турсунова У.Х., Мамажонов Т.М., «Иссиқлик таъминоти», Ўқув қўлланма. Тошкент, ТАҚИ, 2000 й.

## 5-мавзу: Замонавий газ таъминоти тизимлари

### Режа:

**5.1.Шаҳар газ таъминоти тизимлари. Газ қувурларининг таснифи.**

**5.2. Шаҳар газ тизимларининг турлари.**

**5.3. Газлаштириш тармоқларининг аҳоли яшаш пунктлари режасида жойлашиши бўйича таснифи.**

**5.4. Газлаштириш тизимларининг тузилиши ва уларни ўтказиш усуллари.**

**5.5. Газ тармоғини ўтказиш.**

*Таянч иборалар: магистрал газ қувурлари, шаҳар газ қувури, саноат газ қувурлари, таркатиш газ қувурлари истеъмолчиларга тармоқ газ қувурлари уй ичи газ қувурлари, бир босқичли тизимлар икки босқичли тизимлар уч ва кўп босқичли тизимлар*

### **5.1.Шаҳар газ таъминоти тизимлари. Газ қувурларининг таснифи**

Газ қувурлари, ундаги босим ва газ қувурининг қўлланишига қараб қуйидагиларга бўлинади.

Қўлланиш бўйича:

- а) магистрал газ қувурлари;
- б) шаҳар газ қувури;
- в) саноат газ қувурлари.

Магистрал газ қувурлари ўта юқори босимда ишлаб ( $5,5 \div 10$  МПа), газ конидан шаҳарларга газ етказиб беради.

Шаҳар газ қувурлари қуйидагиларга бўлинади:

- 1) таркатиш газ қувурлари;
- 2) истеъмолчиларга тармоқ газ қувурлари;
- 3) уй ичи газ қувурлари.

Тақсимлаш газ қувурлари газни турар жой биноларига, саноат ва коммунал корхоналарга етказиб беради. Ўтказилиши бўйича эса халқасимон, боши берк шаклида бўлади. Абонент тармоқлари газни тақсимлаш газ қувуридан истеъмолчиларга етказилади. Уй ичи газ қувурлари эса газни турар-жой биноси ичида таркатиб, газ асбобларига етказиб беради.

Саноат газ қувурлари учга бўлинади:

- 1) тақсимлаш газ қувурларидан саноат корхонасига киритиш;
- 2) цехлар-аро газ қувурлари;
- 3) цех ичи газ қувури.

Газнинг босимига қараб шаҳар газ қувурлари қуйидагиларга бўлинади:

- 1) паст босим газ қувурлари  $0,002 \div 0,005$  МПа;
  - а) агарда сунъий газ берилаётган бўлса 200 мм сув.уст. (0,002МПа)
  - б) табиий газ учун босим 300 мм сув. уст. (0,003МПа)
  - в) суюлтирилган газ бўлса, босим 400 мм сув. уст. (0,004МПа.)

г) агарда ҳар бир истеъмолчи уйида ўзининг газ босимини пасайтирувчиси бўлса, тармоқда босим 500 мм сув.уст. бўлиши мумкин.

Паст босим газ қувурларига асосан, турар жой бинолари, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари уланади. Бунда истеъмолчининг соатлик газ сарфи  $50 \text{ м}^3/\text{соат}$  дан кам бўлиши керак. Чунки катта газ сарфини паст босимда узатиш учун катта диаметрли газ қувурлари қуриш керак. Бу эса иқтисод тарафдан манфаатсиз.

Агарда истеъмолчининг газ сарфи  $50 \div 150 \text{ м}^3/\text{соат}$  бўлса ва техник иқтисодий ҳисоблар билан мўлжалланган иш асослаб берилса, бундай истеъмолчини ҳам паст босим газ қувурига улаш мумкин.

- 2) ўрта босим газ қувурлари ( $0,005 \div 0,3$  МПа.);

Бу газ қувурларига саноат корхоналари ва паст босим газ қувурига газ етказиб берувчи ГРП лар уланади.

- 3) юқори босим газ қувури  $0,3 \div 0,6$  МПа

Бу газ қувурига йирик истеъмолчилар уланади. Бундан ташқари, бу газ қувуридан ГРП орқали ўрта ёки паст босим қувурлари ҳам таъминланади.

- 4) юқори босим газ қувурлари  $0,6 \div 1,2$  МПа

Бу газ қувурлари шаҳар атрофида ярим халқасимон ёки халқасимон шаклда ўтказилиб, ундан йирик истеъмолчилар, ҳамда шаҳар юқори ва ўрта босим газ қувурлари ГРП орқали таъминланади. Ҳар хил босимдаги газ қувурлари фақат ГРП орқали бир-бирига уланади.

## **5.2. Шаҳар газ тизимларининг турлари**

## Мухандислик коммуникацияларини қурилиши ва монтажи


Шаҳар газ тизимининг қисмини газ қувурлари ташкил қилади. Улардаги босимнинг турларига қараб шаҳар газ тизимлари қуйидагиларга бўлинади:

- а) бир босқичли тизимлар;
- б) икки босқичли тизимлар;
- в) уч ва кўп босқичли тизимлар.

Тизимларини танлашда шаҳарнинг сатҳи, умумий истеъмол қилинадиган газ миқдори, газ манбасининг тури, газлаштиришнинг олдинма-кейин бўлиши ва иқтисодиёт масалалари инобатга олиниши керак.

### 1. Бир босқичли газлаштириш тизимлари (5.1-расм).

Бундай тизимда фақат паст босимли газ қувурлари қўлланилади. Бундай тизим ишчи посёлкаларда, кичик қишлоқда ишлатилиши мумкин. Бунда фақат паст босимдаги газ қувурлари ўтказилади. Шунинг учун буни бир босқичли дейилади. У фақат турар жой бинолари ва майда корхоналарни таъминлайди. Бундай тизимларда фақат паст босим бўлгани учун катта диаметрдаги қувурлар қўйишга тўғри келади. Бу иқтисод тарафдан манфаатсиз.




5.1-расм. Бир босқичли газ тақсимлаш чизмаси

1-магистрал газ қувури; 2-газ ростлаш станцияси (ГРС); 3-ҳалқасимон паст босим газ қувурлари; 4-истеъмолчиларга тармоқ; 5-боши берк газ қувурлари

### 2. Икки босқичли газлаштириш тизимлари (5.2-расм).

Бундай тизимлар кичик ва ўрта шаҳарларда қўлланилиб, ўрта ва паст босим газ қувурлари ишлатилади. Ўрта босимдан саноат корхоналар ва паст босим газ тармоқлари ГРП орқали таъминланади. Босимни ошириш газлаштириш тизимида кичикроқ диаметрдаги қувурлар ишлатиш имконини беради. Бу маблағларни тежашга олиб боради. Лекин, босимни ошириб бориш, тизимни ишлатишда катта талаблар қўяди.

Паст босим газ қувурларига турар жой бинолари ва майда маиший хизмат корхоналари уланади. Бундай тизим бир босқичли тизимга нисбатан тежамлидир ва бундай тизимнинг ўтказиш қобилияти катта, паст босимли газ қувурларида бир хил босимни таъминлашга ёрдам беради. Шу билан бир қаторда, бундай тизимларга хавфсизлик томондан юқорироқ талаблар қўйилади



5.2-расм. Икки босқичли газ тақсимлаш чизмаси


1-магистрал газ қувури; 2- газ ростлаш станцияси (ГРС); 3-ўрта ёки юқори босим (6 ат.гача) газ қувурлари; 4-тармоқ ГРПлари; 5-объект ГРПлари; 6-паст босим газ қувурларининг тармоғи; 7- газ қувурларини темир йўлдан ғилоф ичида ўтиши; 8- дуюкер; 9- саноат корхонаси

3.Уч ва кўп босқичли газлаштириш тизимлари (5.3-расм) ва (5.4-расм).

Уч ва кўп босқичли тизимлар ёрдамида катта шаҳарлар газлаштирилади. Чунки икки босқичли тизимлар қўлланилганда, ўрта босим газ қувурларининг диаметрлари жуда катта бўлиши талаб қилинади ва бутун шаҳар худуди бўйича юқори босим газ қувурлари ўтказишга кўчаларнинг торлиги сабабли газ қувурларидан бино ва иншоотларгача хавфсизлик юзасидан талаб қилинадиган масофаларни таъминлаш қийинлиги сабаб бўлади. Бундай тизимларда паст, ўрта ва юқори босим газ қувурлари ишлатилиб, ГРС дан чиққан юқори босим газ қувурлари йирик газ истеъмолчиларга (ГРЭС, ТЭЦ, туман қозонхоналари, кимё комбинатлари ва бошқалар) газ етказиб беради. Бундан ташқари, бу газ


### Мухандислик коммуникацияларини қурилиши ва монтажи

қувурларидан ГРП лар ёрдамида ўрта босим газ қувурлари таъминладилар. Ўрта босим газ қувурлари эса саноат, коммунал-маиший корхоналари, қозонхоналари, ҳамда ГРП лар ёрдамида паст босим қувурларини газ билан таъминлайди. Паст босим газ қувурлари эса асосан турар-жой биноларини ва саотлик газ сарфи  $50 \text{ м}^3/\text{соат}$  дан ошмаган кичик маиший-коммунал ва умумий овқатланиш муассасаларни газ билан таъминлайди.



**5.3-расм.** Уч босқичли газ тақсимлаш чизмаси

1-магистрал газ қувури; 2- газ ростлаш станцияси ГРС; 3-юкори босим газ қувури; 4- газгольдер станциялари; 5- ГРПлар; 6-ўрта босим газ қувури; 7-паст босим истеъмолчиларига тармоқлар



5.4-расм. Кўп босқичли газ тақсимлаш чизмаси

1-магистрал газ қувури; 2- газ ростлаш станцияси (ГРС); 3- назорат-созлаш пунктлари; 4- газгольдер станциялари; 5- газ ростлаш пунктлари (ГРП); 6- юқори босим (20 ат) газ қувурлари ҳалқаси; 7- юқори босим (12 ат) газ қувурлари ҳалқаси; 8- юқори босим (8 ат) газ қувурлари; 9- ўрта босим (3 ат) газ қувурлари ҳалқаси; 10 - ўрта босим (1 ат) газ қувурлари ҳалқаси; 11- ер ости газ омбори

### 5.3. Газлаштириш тармоқларининг аҳоли яшаш пунктлари режасида жойлашиши бўйича таснифи

Режада жойлашиши бўйича газлаштириш тизимлари икки турга бўлинади: халқасимон, боши берк ёки тармоқланган тизимлар.

Халқасимон тизимлар, ўзаро боғлиқ бўлган туташ, халқасимон газ қувурларидан иборат бўладилар. Бундай тизимнинг асосий афзаллиги, уларнинг ишончлигидир. Чунки, газлаштириш тизимининг бирон-бир участкасида авария содир бўлиб газ оқими беркилиб қолса, авария бўлган участкадан кейин жойлашган (газ оқими бўйича) истеъмолчиларга газ қушни, халқасимон қувур орқали етиб боради ва истеъмолчиларни газсиз қолишга йўл қўймайди. Лекин

бундай тизимларнинг камчилиги, улардаги газ қувурларининг умумий узунлигининг катталиги ва натижада қурилишга кўп капитал маблағ талаб қилишидир.

Тармоқланган, боши берк тизимлар шаҳарнинг ҳар тарафига тармоқланган боши берк газ қувурларидан иборат бўлади. қувурларнинг охирги участкалари ўзаро туташмаган. Шунинг учун бундай тизимларга камроқ капитал маблағ сарф бўлиб, қурилиш арзонга тушади. Лекин бундай тизимларнинг бирор жойида авария бўлса, бу жойдан кейин жойлашган (газ оқими бўйича) истеъмолчилар газсиз қолади. Шунинг учун шаҳарларда газ таъминотининг ишончлилигини ошириш мақсадида капитал харажатлар кўпроқ, бўлса ҳам халқасимон тизимлар қўлланилади.

Тармоқланган, боши берк тизимлар кичик аҳоли пунктларида, саноат корхоналари ҳудудида, ҳамда бирор шаҳарни газлаштириш жараёни бошланишида қўлланилиши мумкин. Бунда, аввал шаҳарнинг ҳар томонига боши берк асосий газ қувурлари ўтказилиб, асосан газ истеъмолчилари биринчи навбатда таъминланади, кейинчалик эса, газлаштириш ривожлантириб, боши берк газ қувурлари ўзаро туташтирувчи газ қувурлари билан уланиб, халқасимон газлаштириш тизимларини ҳосил қилиши мумкин. Шунинг учун боши берк тизимлар келажакдаги халқасимон газлаштириш тизимларининг асосини ташкил қилиши мумкин.

### **5.4. Газлаштириш тизимларининг тузилиши ва уларни ўтказиш усуллари**

Шаҳар газ қувурлари-мураккаб муҳандислик иншоотлари бўлиб, истеъмолчиларни газ билан хавфсиз ва узлуксиз таъминлашга хизмат қиладилар. Газлаштириш тизимларининг ишончли ишлаши лойиҳалаш даврида қабул қилинган газ тақсимлаш схемасининг конструктив тўғри хал қилинганлигига, ҳамда бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг сифатига боғлиқдир. Шаҳарларда газ қувурлари асосан ер ости усули бўйича ўтказилади. Ер усти ўтказиш усули кам қўлланилиб, асосан табиий ва сунъий тўсиқларни кесиб ўтишда, ҳамда айрим истеъмолчилар ҳудудида маҳаллий шароитга кўра ер ости усулини қўллаш мумкин бўлмаса, ёки иқтисод тарафдан мақсадга мувофиқ бўлмаса, ер усти усули қўлланилади.

Шаҳар газлаштириш тизимлари пўлат қувурлардан қурилади. Чунки уларнинг узунлиги катта, бир-бирига улаш пайвандлаш билан бажарилади ва бунинг натижасида уланган жойларнинг зичлиги таъминланади. Ер ости газ қувурларини коррозиядан (чиришдан, емирилишдан) сақлаш мақсадида уларга коррозияга қарши қоплама (изоляция) ўралади. Совуқ кунларда газ таркибидаги сув буғлари конденсация бўлади. Конденсат қувурларнинг энг паст жойларида йиғилиб, газ йўлини тўсиб қўйиши мумкин. Бунинг олдини олиш мақсадида қувурлар албатта нишаб қилиб ўтказилади ва уларнинг энг паст жойларида конденсат йиғичлар ўрнатилади ва улар орқали йиғилган конденсат вақти-вақти билан чиқариб ташланади.

Газ қувурларининг айрим бўлақларига ёки истеъмолчиларга газ беришни тўхтатиш учун газ қувурларида кран ёки задвижкалар ёки паст босим газ қувурларида гидрозатворлар ўрнатилади. Ер ости қувурларидан газ



чиқаётганини аниқлаш учун назорат найчалари, ҳамда ер ости қувурлари изоляциясининг ахволини текшириш, электр тоқларининг йўналиши ва кучланишини аниқлаш учун назорат пунктлари ўрнатилади.

### **5.5. Газ тармоғини ўтказиш**

Газ тақсимлаш пунктларидан чиқиб, газ кириш қувурлари орқали бинога киради. Турар жой бинолари учун газ қувурлар цокол орқали зина катаги ёки ошхонага киритиладиган қилиб лойиҳаланади. Цоколдан ўтказиладиган қувур деворининг минимал қалинлиги 3,5 мм ли қиздириб думалатиб тайёрланган чоксиз пўлат қувурлардан йиғилади.

Ташқи газ қувур ердан ўтказилганда задвижка ер сатҳидан кўпи билан 1500 мм баланд ўрнатилиб, осма металл шкаф ичига олинади. қувурлар бинонинг ташқи деворидан ўтказилиб, цокол орқали киртилганда ҳам задвижка шундай баландликка ўрнатилади, лекин металл шкаф қилинмайди. Задвижка шпинделининг каллагини ҳовли қопламаси сатҳига чиқарилади ва металл қалпоқ ичига олиб қўйилади. Шпинделни шикастланишдан сақлаш учун унга қувур ғилоф кийдирилади. Киришти қувурининг диаметри истеъмол қилинадиган газ микдорига қараб танланади. Энг кичик диаметр-50мм. қувурлар ташқи магистрал томонга камида 0,003 қияликда ўтказилади.

Газ тармоғи қувурлари билан сув тармоғи, иссиқлик тармоғи ҳамда канализация магистраллари орасидаги масофа вертикал бўйича камида 0,15 м, газ қувурлар билан электр ва телефон кабеллар орасидаги масофа камида 0,5 м бўлиши лозим.

Ерга ётқизиладиган пўлат газ қувурларни коррозиядан сақлаш учун изоляция қоплаш керак.

Қувурнинг айрим участкалари пресслаб уланади. Газ қувур синалгандан сўнг пайвандлаб уланган жойлар бевосита траншеянинг ўзида изоляцияланади.

Газ қувурлар турар жой ва жамоат биноларига кириладиган қувурларни кўздан кечириш қулай бўлган одам яшамайдиган хоналарга (зина катаклари, ошхоналар, даҳлизларга) ўрнатиш керак. Газ қувур бошқа коммуникациялар билан бирга ўтказилганда уни бошқа қувурлардан пастроқ ёки улар билан бир сатҳда жойлаштириш, шу билан бирга барча қувурларни кўздан кечириш ва ремонт қилиш қулай бўлиши керак.

Газ қувур устунлари ва ички тармоқларни турар жой хоналаридан ўтказишга йўл қўйилмайди.

